БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН. • № 271 (17.851). • 25 ноябрь 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент областидаги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планни муддатидан илгари—24 ноябрь куни бажардилар.

Ноябрь ойининг охиригача пландан ташқари 90 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади. (ЎзТАГ).

Республикамиз чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик билан кирдилар. Шу кунларда ҳар бир чорвадор ўз боқимидаги молларнинг маҳсулдорлигини ошириш ишқи билан астойдил меҳнат қиляпти. Суратда: Пахтачи районидаги Киров номли колхознинг сут соғувчиси Муҳаббат Раззоқова Моҳир соғувчи ўз боқимидаги 25 бош сигирнинг ҳар биридан 3800 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилган. Илғор чорвадор юксак мажбуриятини ошириб бажариш учун барча имкониятлардан унумли фойдаланаётир.

Ж. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ!

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИ, КОМПЛЕКСЛАРИ ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИНИ ЖАДАЛ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҚУВВАТЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШИ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШИ ТАЖРИБАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлаб ўтадики, Андижон область партия комитети партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва 1980 йил октябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажара бориб, чорвачиликни жадал ривожлантириш ва хусусан гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан кенг программа ишлаб чиқди ва бу программани амалга оширмоқда.

Область партия ташкилотининг бу вазифани ҳал этиш соҳасидаги ташкилотчилик иши ҳар бир хўжаликда, ҳар бир фермада ишлаб чиқаришни интенсивлаш, чорвачилик объектларини қуриш ва уларни реконструкциялаш муддатларини қисқартириш, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштириш қувватларини тезроқ ишга тушириш, тез етиладиган тармоқлар — паррандачилик ва чўчқачиликни ривожлантириш ҳисобига маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга қаратилган.

Областдаги йирик қурилиш ташкилотлари шунлай объектларни қуриш учун сафарбар қилинди, саноат корхоналарининг ёрдамидан, шунингдек халқ хашари методларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда областда лойиҳада белгиланган қувватга мувофиқ йилига 25 минг тонна гўшт берадиган 9 та паррандачилик фабрикаси, йилига 12 минг тонна гўшт етиштириладиган битта ўрдакчилик комплекси, 54 минг бошга мўлжалланган чўчқачилик комплекси, ҳар бири 10 минг бош қорамол ўстириб, сўқимга боқиладиган иккита комплекс ва бошқа кўпгина объектлар жадал усул билан қурилмоқда.

Кўпгина саноат ва қурилиш ташкилотлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. «Андижанирмаш», «Коммунар», «Электродвигатель» заводлари, механика машинасозлиги, ремонт-механика корхоналари ва бошқа корхоналар коллективларининг ташаббуси бунга яққол мисол бўла олади. Бу коллективлар оталиққа олиш тартибида бир қанча чорвачилик объектларини жадал усул билан қуриш ва реконструкция қилишга қарор бердилар. Қурилиш ташкилотлари ишларнинг катта ҳажмини тежалган материаллар ҳисобига бажармоқдалар.

Қурувчилар КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, съезд очиладиган кунгача парранда фабрикалари қурилишида 3 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш, 340 минг парранда сиғадиган 20 та паррандахонани муддатидан илгари фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

Область ва район партия комитетлари паррандачилик фабрикалари ва комплексларини лойиҳалаш, қуриш ва уларнинг қувватларини ўзлаштириш ишини ташкил этишнинг барча ҳал қилувчи даврларини доим назорат қилиб турибдилар. Объектларни лойиҳалаш қурилиш ишлари билан бир вақтда олиб бориш мақсадида, айрим объектлар иш чизмаларини ва сметаларига кўра, банк кредитлари ҳисобига пул билан таъминланмоқда. Наслли репродукторлар ва зотли мол объектларни қурилиши иллам суръатлар билан олиб борилиши, бўрдоқига боқиш зонасидаги объектларнинг кетма-кет ишга туширилиши қурилиш жараёнида қувватларни навбатма-навбат ўзлаштириш имконини беради. Масалан, 1979 йилнинг апрелидан 1980 йилнинг октябригача қурилган паррандачилик фабрикаларида паррандалар семиртириб боқиладиган 25 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди, буларда 1000 тоннага яқин гўшт тайёрланди. Бу эса бир йил ичида областда парранда гўшти етиштиришни 37 процент кўпайтириш учун имконият туғдиради.

Область партия комитети социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва объектларни қуриш муддатларини қисқартириш учун шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлаш соҳасида ташкилотчилик ва гоявий-сиёсий ишни собитқадамлик билан амалга оширмоқда, мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини доим назорат қилиб турибди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва қувватларни ишга тушириш борасидаги иш натижалари область партия комитетининг бюроси ва секретариати, область ва район оператив штабларининг мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқилмоқда, қурилиш ишларини янада такомиллаштириш йўллари белгиланмоқда, ўртага қўйиладиган масалалар оператив равишда ҳал этилмоқда.

Область партия ташкилоти ўз куч-ғайратларини чорвачиликни юксалтириш, унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун курашни ташкил этишда партия комитетларининг ролини оширишга қаратди. Бунда фермаларнинг коллективларида партия ўзагини мустаҳкамлашга, белгиланган вазифаларни бажаришда коммунистлар, комсомолларнинг авангардлик ролини оширишга асосий эътибор берилмоқда.

Чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини қуришни ва уларни муддатидан илгари ишга туширишни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажриба гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларига мувофиқ область хўжаликларида 1981—1985 йилларда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада анча кўпайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда 1985 йилда 1980 йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни 3 баравар кўпайтириб, уни 65 минг тоннага етказиш, сут етиштиришни 1,5 баравар кўпайтириш ёки 123 минг тоннага етказиш, тухум етиштиришни 3,5 баравар кўпайтириш ёки 95 миллион донага етказиш кўзда тутилади.

Тадбирларда чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини қуриш ҳамда ишга туширишни бир қаторда колхозларда, совхозларда, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада чуқурлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Ем-хашак базаси чорвачиликни ривожлантиришнинг негизидир. Шу боисдан область тадбирларида ем учун дон, хашак ва ширадор озуқа етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади.

Чорвачилик кадрларини мустаҳкамлаш масалаларига муҳим ўрин ажратилмоқда. Коммунистлар ва комсомоллардан истеъдодли ташкилотчиларни, оммавий касбдаги йигит ва қизлардан 500—600 нафар кишини ҳар йили комплексларга, паррандачилик фабрикалари ва фермаларига юбориб туриш мўлжаллаб қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон область партия комитети чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳамда йирик чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларини муддатидан барвақт ишга туширишни соҳасида олиб бораётган ташкилотчилик ишини катта амалий аҳамиятга эга ва республиканинг барча областларида кенг оммалаштиришга лойиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон область партия комитетининг чорвачиликни жадал ривожлантириш, чорвачилик объектларини қуриб, муддатидан илгари ишга туширишни, 1985 йилда гўшт етиштиришни 65 минг тоннага, сут етиштиришни 123 минг тоннага, тухум етиштиришни 95 миллион донага етказиш соҳасидаги ташкилотчилик иш тажрибасини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига Андижон область партия комитетининг тажрибаси асосида чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва фермаларини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, уларни муддатидан аввал ишга тушириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошириш, шу асосда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга эришиш таклиф қилинди. Чорвачилик объектларини ҳашар усулида қуриш ва ишга туширишни жадаллаштиришда, шунингдек постандарт асбоб-ускуналарни тайёрлашда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг оғалиқ ёрдамидан кенг фойдаланиш лозим. Қўриқ районларда ва совхозларда чорвачилик объектларини барпо этишда ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналарнинг коллективларида олиб борилаётган ташкилотчилик ва снёсий ишни ўн биринчи беш йилликда гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин равишда кўпайтириш соҳасида Андижон области, Оҳангарон, Конимех, Фориш, Ленин, Шаҳрисабз, Самарқанд районлари чорвадорларининг қимматли ташаббуси ҳар бир областда кенг жорий этилиши учун чорва туёғи ва парранда сонини кўпайтириш, чорва зоти ва маҳсулдорлигини яхшилаш мақсадида чорвачилик ходимларининг, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг меҳнат активлигини оширишга сафарбар этиш зарур.

Чорвачилик объектларини жадал қуриш билан бир қаторда тегишли тарзда чорвачиликни ривожлантиришни, ем-хашак, айниқса, ем бўладиган дон етиштиришни кўпайтиришни ҳам кўзда тутиш лозим. Шу мақсад учун сўгориладиган ерларнинг етарли миқдордаги майдонларини ажратиш талаб этилади.

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигига Андижон областида парранда учун омихта ем ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод қуриш масаласини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Тайёрлаш, Қурилиш, Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликларига, «Узплодовощвинпром» бирлашмасига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига, «Узколхозстрой»га ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва техника таъминоти давлат комитетига, республикадаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларига чорвачиликни жадал ривожлантириш ва озуқа ишлаб чиқариш, чорвачилик объектларини қуриш ва ишга туширишни, постандарт асбоб-ускуналар тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишда Андижон областидаги ва бошқа областлардаги хўжаликларга конкрет ёрдам бериш таклиф этилди.

Хўжаобод ва Андижон районларида қурилаётган иккита бройлер паррандачилик фабрикасини биринчи ва иккинчи разрядли гўшт-боп наслли репродукторларга кўчириш тўғрисида Андижон область партия комитети ва область ижроия комитетининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифи қабул қилинди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига кўрсатиб ўтилган объектларни қуриш планларига тегишли ўзгартишлар киритиш ва уларни муддатидан илгари фойдаланишга топириш юзасидан чоралар кўриш таклиф этилди.

Госпланга, Қишлоқ хўжалиги министрлигига республиканинг манфаатлар бўлган бошқа министрликлари ва идоралари билан биргаликда Андижон областида чорвачилик объектларини қуриш ва фойдаланишга топириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиб ҳал этиш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тегишли таклифлар киритиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Ҳунартехника таълими давлат комитетига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан биргаликда чорвачилик учун оммавий касбдаги малакали кадрлар тайёрлаш масалаларини Андижон области ва республиканинг бошқа областлари бўйича кўриб чиқиш, зарур ҳолларда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тегишли таклифлар киритиш таклиф қилинди.

Республика, область ва район газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва фермаларини жадал қуриш ва реконструкция қилиш негизида чорвачиликни ривожлантириш масалаларини матбуотда, радио ва телевидение эшиттиришларида кенг ёритиш, бунда бу ишдаги илғор тажрибани оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш топширилди.

ЎРМОН ВА БОҒЛАР БАРПО ЭТИШ ОЙЛИГИ

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари бўйича куз фаслида боғлар, токзорлар барпо этиш, ўрмон-мевали дарахт ва бута кўчатлари ўтказишнинг бориши тўғрисида 1980 йил 20 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

	топшириққа нисбатан процент ҳисобида
Тошкент шаҳри	28,9
Тошкент области	21,3
Самарқанд области	19,1
Хоразм области	14,2
Фарғона области	11,2
Андижон области	8,5
Қашқадарё области	5,1
Сирдарё области	4,5
Сурхондарё области	4,1
Қорақалпоғистон АССР	2,6
Наманган области	2,1
Бухоро области	1,6
Жиззах области	0,8
Ўзбекистон ССР бўйича жами	9,9

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республикадаги кўпгина хўжаликлар, министрликлар, корхоналар ва ташкилотлар боғ ва токзорлар барпо этишга, тут, ўрмон дарахтлари ва бута кўчатларини ўтказишга киришдилар. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бўйича бу соҳада белгиланган топшириқ тўғрисида 47,3 процент, Алоқа министрлигида 37,9 процент, «Главнефтеснабсбит»да 35,3 процент, Социал-таъминот министрлигида 34,5 процент бажарилди.

Шу билан бирга Гўшт ва сут саноати, Бинокорлик материаллари, Автомобиль транспорти министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, Физкультура ва спорт комитети, «Узбекгидроэнерго с т р о й», Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси ташкилотлари ва корхоналарида ўрмон ва боғлар барпо этиш ойлигини ўтказиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришга ҳали киришилгани йўқ.

Жиззах областидаги ва бир қанча бошқа областлардаги баъзи хўжаликларда дарахт кўчатлари ўтказишнинг энг яхши муддатлари қўлдан бой берилмоқда.

ҲАМКОРЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Узбекистонда ўтаётган Испания маданияти кунлари қатнашчиси, таниқли испан ёзувчиси ва драматурги Антонио Гала 24 ноябрь куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида бундай деди: халкларимиз меҳнатини, ғўзаллик ва олижаноблиги юксак даражада қадрлаётганликлари, тинчликка интилаётганликлари меҳмондўст ўзбек диёридаги учрашувларда мени ғоят қойил қолдирди. Мен халқларимиз ҳамиша бирга, қўлни қўлга берган ҳолда бо ришлари лозимлигига ишончим комил. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланаверсин ва ривожланаверсин.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан меҳмонлар шуни қайд этдиларки, совет кишилари тинч бунёдкорлик меҳнати билан яшамоқдалар, халкларимиз ўртасидаги дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ишига, деб таъкидлашди нотиклар, бу йилги маданият кунлари ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Пиреней ярим ороли санъат усталари концерт залларида, ишчилар ва кишлоқ клубларида концертлар қўйдилар, ижодий учрашув кечаларини ўтказдилар. Улар Бухоро ва Самарқанд областлари бўйлаб сафар қилдилар.

Республика пойтахтида Испания туристик плакатлари виставкаси муваффақиятли равишда намойиш қилинмоқда. Минглаб томошабинлар олис мамлакат кинематографиячилари санъати билан танишдилар.

Ўзбекистон ССРда Испания маданияти кунлари давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ—МОЗАМБИК ҚЎШМА БАЁНОТИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Мойзес Машел партия-давлат делегациясига бош бўлиб, 1980 йил 17 ноябрдан 22 ноябргача расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Визит давомида Совет Иттифоқи томонидан—КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков; Мозамбик Халқ Республикаси томонидан — ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти С. Машел, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети доимий сиёсий комитетининг аъзоси, Марказий Комитетнинг халқаро алоқалар билан шуғулланувчи секретари, Халқ Ассамблеяси доимий комиссиясининг аъзоси, ташқи ишлар министри Жоаким Альберту Чиссано, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети доимий сиёсий комитетининг аъзоси, Халқ Ассамблеясининг депутати, планлаштириш министри, қишлоқ хўжалиги министри Мариу да Граса Машунгу, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Халқ Ассамблеяси доимий комиссиясининг аъзоси, ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Жоао Америку Мпфуму, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Марказий Комитет мудофаа ва хавфсизлик бўлимининг мудири, Халқ Ассамблеясининг депутати, Мозамбик банкининг министр даражасидаги бошқарувчиси Сержиу Виейра, Халқ Ассамблеясининг депутати, саноат ва энергетика министри Антониу Родригеш Бранку ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтиб, икки томонлама муносабатларнинг ва ҳозирги халқаро аҳволнинг муҳокама этилган масалалари хусусидаги нуқтаи назарларнинг бир-бирига мослигини кўрсатди.

Музокараларда:

Совет томонидан —КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин, СССРнинг Мозамбик Халқ Республикасидаги элчиси В. П. Вдовин, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудирлари Ю. Н. Черняков, В. А. Устинов;

Мозамбик томонидан — ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Халқ Ассамблеясининг депутати, сўгуқликдаги қўшинлар қўмондонининг ўринбосари Тобиаш Дай, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети кадрлар бўлимининг мудири, ФРЕЛИМО партияси Раиси канцеляриясининг мудири, Халқ Ассамблеясининг депутати Жозе Жулиу Андраде, Халқ Ассамблеясининг депутати, кўмир ва газ масалалари билан шуғулланувчи давлат секретари Абдул Мажид Осман, Халқ Ассамблеясининг депутати, Мозамбик ёшлари ташкилотининг бош секретари Закариаш Купела, пахтачилик давлат секретари Жоао душ Сантуш Феррейра, балиқ овлаш давлат секретари Жоаким Тенрейру де Алмейда, МХРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Иполиту Зозиму Патрисиу қатнашдилар.

Л. И. Брежнев Самора Мойзес Машелга Халқлар дўстлиги орденини топширди.

Олий мартабали меҳмон В. И. Ленин Мавзолейига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйди.

Самора Мойзес Машел ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида Москвадан ташқари Фрунзе ва Тошкентга бориб, совет халқининг турмуши ва ютуқлари билан танишдилар. Совет — Мозамбик дўстлиги митингида қатнашдилар, бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлдилар, маданият муассасаларини бориб кўрдилар.

Музокаралар чоғида иккала томон СССР билан Мозамбик Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1977 йил 31 март Шартномаси асосидаги Совет — Мозамбик муносабатлари иккала мамлакат халқларининг манфаатлари, тинчлик ва социализм ишининг манфаатлари йўлида муттасил мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар Совет—Мозамбик муносабатларининг даражасини юксак баҳолаб, снёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидан бундан буён ҳам борверишга аҳд қилганликларини билдирдилар. Шу нуқтаи назардан томонлар иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳамда савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи Совет — Мозамбик ҳукуматлараро комиссияси тузилганини табриклади лар, бу комиссия иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг янги омили бўлади. Улар икки томонлама муносабатлар масалалари ва халқаро проблемалар хусусида ўзаро алоқани бундан буён ҳам ривожлантиришга ва мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туришга қарор бердилар.

КПСС билан ФРЕЛИМО ўртасидаги ҳамкорлик масалалари хусусида фикрлашиш давомида иккала партия ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган қардошлик алоқаларини ривожлантириш Совет — Мозамбик муносабатларининг бутун комплекси учун ва жаҳон революцион ҳаракати учун муҳим аҳамиятга молик эканлиги тасдиқланди.

Иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни кучайтириш ва социализм ишини мустаҳкамлаш манфаатларига асосланиб, Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси Мозамбик экономикасининг бир қанча энг муҳим тармоқларини, жумладан, фойдали қазилма конларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш сингари тармоқларини ривожлантиришда ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

Совет Иттифоқи миллий малакали кадрларни, айниқса қунар-техника даражасидаги кадрларни Совет Иттифоқида ҳам, шунингдек, Мозамбикнинг ўзида ҳам тайёрлашда МХРга берилаётган ёрдамни кенгайтиради, деб ҳаҳлашиб олинди.

Визит вақтида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан ФРЕЛИМО партияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Мозамбик Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик ҳамда савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи Совет — Мозамбик ҳукуматлараро комиссиясини таъсис этиш тўғрисидаги битим, СССР билан МХР ўртасида 1981—1982 йилларда маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Совет томони Мозамбик Халқ Республикасида Мозамбик халқининг революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга, мамлакатда чуқур снёсий ва социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишга, социалистик жамият қуришга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганлигига юқори баҳо берди. У Мозамбик Халқ Республикасининг халқлар миллий озодлиги ишига, тинчлик учун, империализмга, мустамлакачиликка, ирқчиликка ва сионизмга қарши кураш ишига катта ҳисса қўшаётганлигини табриклади.

Мозамбик томони совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ривожланган социалистик жамият қуришда ва коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишда эришган катта муваффақиятларини табриклади. У Ленин Ватанининг бутун дунёда тинчликни сақлашда,

(Давоми иккинчи бетда)

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

МАПУТУ, 23 ноябрь. (ТАСС). ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Мойзес Машел бугун ўз ватанига қайтиб келди.

Мозамбикнинг марказий «Нотисиаш» газетаси Мозамбик Халқ Республикаси раҳбарининг визити якунларини шарҳлаб, бугунги сонида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Москвада олиб борилган музокаралар Мозамбик ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолди. Мозамбик Халқ Республикаси делегациясининг улуғ Ленин ватанида бўлиши марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган ҳар иккки мамлакат партиялари, ҳукуматлари ва халқларининг жанговар бирдамлиги руҳи билан суғорилганлиги, деб ёзади газета, ўз ифодасини топди. Жаҳондаги биринчи социалистик давлат билан Африкадаги ёш давлат ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг мустаҳкамлиги янги куч билан намойиш қилинди.

СОВЕТ — МОЗАМБИК ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Боши биринчи бетда).

қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун, ҳозирги замон революцион кучларининг ғалабаси учун курашда катта роль ўйнаётганини таъкидлади. Совет Иттифоқи мазлум халқларнинг ўз озодлиги учун курашига берган ёрдамининг аҳамияти ҳам таъкидланди. Мозамбик томони империалистлар ва иркчилар томонидан бўлаётган дўқ-пўписа ва агрессия ҳаракатларига қарши, ўз суверенитетини мустаҳкамлаш учун, социализм қуриш ва қолоқликни тугатиш учун Мозамбик халқи олиб бораётган кураш билан Совет Иттифоқининг муттасил бирдамлигига юқори баҳо берди.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси халқларининг империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, иркчиликка, шу жумладан сионизмга қарши, миллий мустақиллик, демократия, тинчлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашидаги муваффақиятларни мамнуният билан қайд этдилар. Улар социалистик мамлакатлар билан капиталистик мамлакатлардаги Коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда халқларнинг миллий озодлик ҳаракати ўртасидаги жипслик ларини юксак баҳолаб, кучайиб бораётганини ва бу эса ҳозирги замон революцион ҳаракати муваффақиятларининг гарови эканини таъкидладилар. Томонлар блокларга қўшилмаган мамлакатлар ҳаракатининг империализмга қарши, халқларнинг миллий озодлиги, тинчлиги, иқтисодий ва социал ривожи учун курашдаги кучайиб бораётган ижобий ролини табриклайдилар.

Иккала томон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти принципларига ва мақсадларига содиқ эканликларини ҳамда шу принцип ва мақсадларни ҳурмат қилишларини тасдиқлаб, унинг Уставига қатъий риоя қилиш асосида тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашда шу ташкилотнинг ролини кучайтириш учун ҳаракат қиладилар.

Улар Африка қитъасидаги миллий озодлик курашининг антиимпериалистик мазмуни чуқурлашиб бораётганини қайд қиладилар. Жамиятни социалистик негизларда қайта қуришни ўзларига мақсад қилиб олган Африка мамлакатлари кўпайиб бораётганлиги Африкада империализмга қарши муваффақиятли курашни янада ривожлантиришнинг гаровидир.

Томонлар Африкада империализмга ва мустамлакачиликка қарши кучларнинг янги ғалабаларини табриклидилар ҳамда якин келажакда Африка қитъасининг ҳамма мамлакатлари тўла мустақилликка эришишларига ишонч билдирдилар. Улар Зимбабве халқининг мустамлакачи ва иркчи режимдан миллий озодликка эришиш учун қаҳрамонона қуролли кураши натижасида шу халқ мустақилликни қўлга киритганлигидан мамнуният изҳор этдилар ҳамда Зимбабвенинг эркин ва демократик йўл билан сайланган ҳукумати ва халқини доимо қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Томонлар Зимбабве халқи ўз бирлигини сақлаб қола олади, миллий мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда тинчлик ва социал тараққиёт асосида ўз давлатини қуради, деб ишонч изҳор этдилар.

Совет томони Мозамбик Халқ Республикасининг Зимбабве халқи миллий озодлиги учун курашга берган интернационалистик ёрдамини, шунингдек, «Фронт ёқаси» давлатларининг бирғаликдаги бирдамлигини юқори баҳолади.

Мозамбик томони Зимбабве озодлиги ишида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар берган ёрдамни қайд этди.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси Намибия халқининг озодлик ва мустақиллик учун кураши билан тўла бирдам эканликларини тасдиқлайдилар, шу мамлакат оккупация қилиб турилиши даҳол тўхтатилишини ва Жанубий Африка қўшинлари унинг территориясидан олиб чиқиб кетилишини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Намибия хусусидаги қарорлари даҳол ва тўла-тўқис турмушга татбиқ этилишини, мамлакатдаги ҳокимият Намибия халқининг бирдан-бир ва ҳақиқий вакили бўлмиш СВАПОга олиб берилишини талаб қиладилар.

Томонлар Жанубий Африка халқининг Африкаликлар Миллий Конгресси раҳбарлигида шармандали апартеид системасини тугатиш учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда ЖАРнинг Ангола Халқ Республикасига ва Замбия Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қиладилар. Ғарб давлатларининг Претория билан, жумладан, ядро қуроли соҳасидаги ҳамкорлиги давом этаётганлиги тинчлик иши учун жуда хатарли эканлиги таъкидланди.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси империалист ва реакцион доираларнинг Африка қитъасидаги аҳволни чигаллаштиришга қаратилган сиёсати хусусида жуда ташвишланаётганликларини изҳор қиладилар. Можаролар чиқариш ва мустақил Африка давлатларининг ички ишларига аралашиш йўлида қилинаётган уринишлар, шунингдек Америка Қўшма Штатлари Африкадаги ўз қўшинларини тинимсиз кўпайтираётганлиги шу район мамлакатларининг тинчлиги ва хавфсизлигига тўғридан-тўғри таҳлика солмоқда.

Томонлар империализм ва гегемонизмнинг мана шу сиёсатига кескин қарши чиқадилар ҳамда халқаро кескинликни юмшатиш жараёни дунёнинг ҳамма районларига, шу жумладан Африкага ҳам ёйилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар қитъада тинчлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик бўлиши лозимлигини айтдилар ҳамда Африка халқлари Африканинг кескинликни юмшатишга ва тинчлик ишига душман кучлар кирдикорлари объектига айланиб қолишига йўл қўймайдилар, деб ишонганликларини изҳор этадилар.

СССР билан МХР Африка қитъаси ядросиз зона бўлиб қолиши учун ҳаракат қилишга азму қарор берганликларини маълум қиладилар. Улар Ҳинд океани соҳилидаги давлатларнинг бу океанни ажнабий ҳарбий базалардан ҳоли бўлган, соҳил мамлакатларининг хавфсизлиги, мустақиллиги ва суверенитетига таҳлика солинмайдиган тинчлик зонасига айлантириш муддаосини қўллаб-қувватлайдилар. Шу нуқтаи назардан улар БМТнинг 1981 йилда Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш масаласига бағишланган халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги қарори бажарилиши кераклигини айтдилар ва шу муҳим анжуманнинг муваффақиятига ҳар томонлама кўмаклашишга қарор бердилар.

Томонлар Африка Бирлиги Ташкилоти қитъада тинчликни таъминлаш ишида катта роль ўйнамоқда, деб ҳисоблайдилар ва империализм, янги мустамлакачилик ҳамда иркчилик кучларининг кирдикорлари олдида Африка бирлигини мустаҳкамлаш кераклигини айтдилар. Улар мустақил Африка мана шу кирдикорларга қарши тура олишига ишонч билдирадилар.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси АҚШ ҳукмрон доираларининг кескинликни юмшатиш жараёнини барбод қилиш, қуролланиш пойгасини кучайтириш мақсадини кўзлаб ўтказаётган йўли халқаро вазиятни жуда кескинлаштиради, деб ҳисоблайдилар. Улар халқаро кескинликни ва уруш хавфини кучайтиришга олиб борадиган мана шу сиёсатни қоралайдилар ҳамда кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик йўлида ўзлари ўтказаётган сиёсатни бундан буён ҳам давом эттираверишга, империалист ва гегемончи доираларнинг тинчлик ишига таҳлика солаётган кирдикорларига қаршилик қилишга азму қарор берганликларини билдирадилар. Томонлар СҚЧ-2 шартномасининг тезроқ кучга киритилишига катта аҳамият берадилар.

Мозамбик Халқ Республикаси Совет Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси XXXV сессиясига киритган «Уруш хавфини камайтиришга оид баъзи бир энг зарур тадбирлар тўғрисида»ги таклифларини қўллаб-қувватлайди. Бу таклифларнинг рўёбга чиқарилиши халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беришига унинг ишончи комил. Қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш соҳасида таъсирчан чораларни амалга ошириш Ер юзида тинчликни қадрловчи барча кучлар олдида ҳали ҳам энг муҳим вазифа бўлиб турибди. Иккала томон Мадриддаги учрашув амалий ва конкрет натижаларга эришишининг тарафдоридирлар. Унда Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган конференция ўтказиш тўғрисида бир битимга келиниши аввало шу мақсадга хизмат қилган бўлур эди.

Томонлар Исроил ва уни қўллаб-қўлтиқлаётган империалист кучларнинг агрессив ҳаракатлари натижасида Яқин Шарқда вужудга келган аҳволдан ғоят ташвишланаётганликларини изҳор этдилар. Улар АҚШнинг шу райондаги ўз сиёсий ва ҳарбий-стратегик позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган милитаристик сиёсатини, шунингдек Кэмп-Дэвид битимларини ва Миср—Исроил сепарат келишувини араб мамлакатлари ва халқларининг туб манфаатларига, Яқин Шарқдаги аҳволни ёппасига бартараф этиш ишига зид деб кескин қоралайдилар. Улар Исроил қўшинлари 1967 йилда араблардан оккупация қилиб олинган ҳамма ерлардан батамом олиб чиқиб кетилган, фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқи, шу жумладан ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқи тан олинган, шунингдек шу райондаги барча давлатларнинг мустақил яшаш ва хавфсизлик ҳуқуқи таъминланган тақдирдагина Яқин Шарқда одилона мустаҳкам тинчлик таъминланиши мумкинлигини тасдиқлайдилар. Улар барча манфаатдор томонлар, шу жумладан фаластинлик араб халқининг бирдан-бир ва қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик Ташкилоти иштироки билангина аҳволни мана шундай бартараф этишга эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси Ироқ билан Эрон ўртасидаги можаро хусусида чуқур ташвиш изҳор этдилар ҳамда улар ўртасидаги уруш ҳаракатлари дарҳол тўхтатилишини, можаро ўзаро мақбул асосда, унга четлан ҳеч кимни аралаштирмай сиёсий йўл билан бартараф этилишини талаб қиладилар. Улар империализм агрессив доираларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфази районидаги ҳаракатларини ҳамда уларнинг шу регион халқлари озодлиги ва мустақиллигига хавф солувчи экспансиячилик муддаоларини кескин қоралайдилар.

Томонлар Апрель революцияси ғалабаларини қаттиқ туриб қўриқлаётган, ўз ватанининг суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган Афғонистон Демократик Республикаси халқининг кураши билан бирдам эканликларини билдирадилар. Улар Афғонистон теварагида вужудга келган аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф этиш лозимлигини ва бундай бартараф этиш мазкур суверен мамлакатнинг ички ишларига ташқаридан ҳар қандай шакллари аралашув тўхтатилишига кафолот бериши лозимлигини айтадилар ва Афғонистон ҳукуматининг 1980 йил 14 майдаги амалий таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини маълум қиладилар.

Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси Вьетнам, Лаос ва Кампучия халқларининг империализмга ва реакцияга қарши курашини ҳамда уларнинг Жануби-Шарқий Осиёда тинчликни таъминлаш, шу районда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар Никарагуа революцион ва демократик кучларининг ғалабасини табриклидилар ҳамда Чили, Сальвадор ва Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатлар халқларининг, Америка империализми томонидан тиқиштирилган, қўллаб-қувватланаётган диктаторлик режимлари зулмига ва истибдодига қарши одилона кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

* * *

ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Мойзес Машелнинг партия-давлат делегациясига бош бўлиб Совет Иттифоқига қилган визити ва бўлиб ўтган музокаралар тўла муваффақият билан якунланди. Бу музокаралар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб, Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, тинчлик ва социализм ишига катта ҳисса қўшади.

ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикасининг Президенти Самора Мойзес Машел ўзига ва унинг делегациясига кўрсатилган самимий ва қардошларча иззат-икром учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Самора Мойзес Машел ФРЕЛИМО партиясининг Марказий Комитети, МХР Халқ Ассамблеясининг доимий комиссияси ва ҳукумати номидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновни расмий дўстлик визити билан Мозамбик Халқ Республикасига боришга таклиф қилди. Таклифномалар миннатдорчилик билан қабул этилди. Визитлар вақти дипломатия йўли билан келишиб олинади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. БРЕЖНЕВ

Мозамбик Халқ Республикаси номидан
С. МАШЕЛ

Москва, 1980 йил 18 ноябрь.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ПАРТИЯНИНГ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

ЛЕНИНСК ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Маълумки, партия ўзининг снёсий-ташкилотчилик фаолиятида бевосита қуйи звеноларга таяниб иш кўради. КПСС XXV съездида ана шу ленинча принцип янада чуқурлаштирилиб, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини, хўжалик ва тарбиявий вазифаларни амалга оширишда уларнинг ташкилотчилик ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилганлигининг боиси ҳам шундадир. Партия раҳбарлигининг даражаси, деб таъкидланди съездда, партиямизнинг негизи бўлган бошланғич ташкилотларнинг нечоғли жанговарлик ва ташаббускорлик билан ишлашларига бевосита боғлиқдир.

Ленинск шаҳар партия комитети съезд кўрсатмаларини амалга ошириб, сўнгги йилларда бошланғич ташкилотларнинг иқтисодий ва маданий қурилиш масалаларини муваффақиятли амалга оширишдаги ролини янада кучайтирмоқда. Район партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида тилга олинган бир рақам бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади, шаҳар партия комитети бутун партиявий-ташкилий фаолиятини ёрқин характерлайди: ҳисобот даврида шаҳарком бюроси муҳокама қилган ҳар уч масаланинг бири партия ишининг ролини кўтаришга қаратилди.

Кўриниб турибдики, Ленинск шаҳар партия комитети иш услубида асосий масалаларни эътибордан қочирмаслик, ана шу йўналишда изчил йўл тутиш муқимлиқ касб этган. Натижада шаҳар корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа меҳнат коллективларида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотлар партия иқтисодий сиёсатини ўзларининг жонли, ташкилотчилик ишлари орқали омманинг бунёдкорлик фаолияти билан узвий қўшиб юборишмоқда, хўжалик, сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни самарали ҳал этишда шаҳар партия комитети ва бюросининг жанговар таянчига айландилар.

Шаҳар партия комитети фаолиятида партиявий раҳбарликнинг ленинча услуби тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳаёт илгари сураётган вазифаларни илмий асосда ижодий ҳал этиш, халқ оммаси ғайрат-ташаббусини КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари илгари сурган катта-катта вазифаларни рўёбга чиқариш учун сафарбар этишда бу ҳол ҳал қилувчи омилга айланди. Шаҳар партия комитетининг қуйи ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлашда бюро аъзоларининг меҳнат коллективларида ҳисоботлар билан чиқишлари ҳам муҳим роль ўйнаётир. Бундай учрашувларда шаҳар партия комитетининг снёсий-ташкилотчилик фаолияти ҳақида коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатламига ҳисоб берилмоқда, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар илгари сурилмоқда. Бу эса ўз навбатида бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига изчиллик, ташаббускорлик руҳини бағишламоқда.

Кейинги йилларда партия ташкилотлари етакчилари билан ишлашга алоҳида эътибор берилди. Сайлаб қўйилган активга амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишчанлик ва снёсий-ташкилотчиклик савияларини ошириш мақсадида илмий-назарий конференциялар, семинарлар, маслаҳат кенгашлари ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида иш олиб бораётган бир қанча қуйи ташкилотларнинг фаолияти муҳокама қилиниб, шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар маҳаллий тажрибани, партия ташкилотлари жонли ишини қунт билан ўрганиш, асосий эътиборни улар фаолиятида содир бўлаётган камчиликларга қаратиш натижаси бўлди.

Ҳозир шаҳарда 68 та бошланғич партия ташкилоти иш олиб бормоқда. Меҳнат коллективларида — хўжалик ва маданий қурилишнинг муҳим вазифалари бевосита ҳал қилинаётган олдинги маррада 74 та цех партия ташкилоти ва партия группаси актив фаолият кўрсатаётир. 1860 коммунистнинг асосий кўпчилиги моддий ва маънавий бойликлар яратилаётган жойда меҳнат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди қарорлари асосида снёсий ва иқтисодий ўқув самарадорлигини ошириш, оғзаки снёсий агитацияни кучайтириш, идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида қабул қилган бир қатор қарорлари бошланғич партия ташкилотларининг янги инсонни камол топтириш, меҳнаткашлар ғоявий эътиқодини чиниқтириш ва снёсий онглилигини ошириш орқали ҳар бир совет кишисида актив ҳаётий позицияни тарбиялаш ишни сезиларли даражада жонлантириб юборди. Конференцияда ҳисобот доклади билан чиққан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Содиқов ва бошқа нотиқлар — мотор ремонт заводининг токари Ф. Вальков, Тошкент трактор заводи филиали бошланғич партия ташкилотининг секретари Л. Сулейманова, алоқа узели партия группасининг ташкилотчиси О. Тимофеева, тикувчилик-бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси Ҳ. Аҳмедова ва бошқа ўртоқлар партия ташкилотларининг ана шу борадаги ишлари тобора самарали тус олаётганлиги, коммунистларнинг авангардлик роли ўсаётганлиги тўғрисида гапирдилар.

— Заводимиз коммунистлари ушбу конференцияга катта меҳнат ғалабаси билан келдилар, — деди 1-пахта тозалаш заводининг директори Ш. Эгамбердиев. — Маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планини муддатидан олдин бажардик. Меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди. Йил охиригача КПСС XXVI съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун мусобақани қизғин тус олдираётган коллективимиз аҳли йил охиригача яна 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Съезд иш бошлайдиган кунгача икки ойлик планни бажаришга аҳд қилганмиз.

Пахта тозалаш заводи меҳнаткашларининг бу муваффақиятларида бошланғич партия ташкилоти кун сайин олиб бораётган снёсий-тарбиявий ишлар, социалистик мусобақа таъсирчанлигини кучайтиришда касаба союз, комсомол ташкилотларининг ролини ошириб бораётганлиги муҳим ўрин тутмоқда. Партия ташкилоти меҳнаткашлар ташаббускорлигини, уларда ишга ижодий ёндашиш кайфиятини кучайтиришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаётир. Партия йиғилишларида, турли кенгашларда бу масалалар ҳар томонлама қараб чиқилмоқда, қабул қилинган қарорлар оғишмай бажарилмоқда.

Бундай меҳнат коллективлари Ленинск шаҳрида кўплаб топилади. Нотиқлар партия ташкилотларининг снёсий-ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларини чуқур таҳлил қилиб, илғор коллективлар социалистик мусобақада кўлга киритаётган ютуқларни қониқиш билан кўрсатиб ўтдилар. Қуйи ташкилотлар жанговарлигини оширишга қаратилган амалий таклифлар билдирдилар.

Шаҳар партия комитетининг бошланғич ташкилотларга раҳбарлик савияси яхшиланганлиги, улар фаолиятини активлаштириш учун амалий чоралар кўрилаётганлиги омманинг меҳнат активлигини кучайтирмоқда, экономикани жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг янги-янги резервларини ишга солиш имкониятини аратмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорлари, ана шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқдан келиб чиқадиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашаётган шаҳар саноатчилари ўнинчи беш йиллик планни 5 декабрда бажариш, йил охирига планга қўшимча 16,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун мусобақани авж олдирмоқдалар. Шу беш йилликнинг ўзида шаҳар саноатининг асосий ишлаб чиқариш фонди 32,6 процент ўсди. Конференцияда Ф. Вальков, Ф. Мастанов, Р. Қодирова сингари новаторларнинг меҳнатда эришаётган муваффақиятлари чуқур қониқиш билан тилга олинди. Бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш ташаббуси билан чиққан бу коммунистлар эндиликда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларининг новаторлар маррасини кўпчиликнинг нормасига айлантириш борасидаги ишлари туфайли ҳозирда 110 ишчи ташаббускорлар кўтарилган юксак довонни эгаллади. Шахсий тамга билан маҳсулот чиқараётганлар сафи кенгайди.

Транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида иш олиб бораётган партия ташкилотларининг активлиги ҳам конференцияда қониқиш билан қайд этилди. Аммо делегатлар экономикани ривожлантиришнинг ҳали ишга солинмаган резервлари, фойдаланилмаётган имкониятлари мавжудлигини кўрсатиб, бир қатор бошланғич партия ташкилотларининг ишидаги камчиликларни принципиал танқид қилишди.

Ёг-экстракция заводи партия ташкилоти адресига жиддий эътирозлар билдирилди. Бу корхонада бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилдагидан анча камайиб кетди. Фондлар самарадорлиги 32,8 процент пасайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш плани уддаланмади. Ҳолбуки, корхонада ускуналар қувватидан оқилона фойдаланилмаётир. Қурувчилар ҳам ёг-экстракция заводидаги ёғни комплекс ишлаш цехи ва янгидан қурилаётган трактор прицеплари заводи синғари бир қатор объектларда ишни чўзиб юборишмоқда. 10-механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотида эса меҳнат унумини ошириш плани мунтазам барбод берилаётгани факти билан муроса қилиб келинмоқда.

Шунингдек, конференцияда партия йиғилишларини намунали ўтказиш, партиявий ишлар самарадорлигини ошириш соҳаларида ҳам жиддий камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Асака станцияси бошланғич партия ташкилотининг бу борадаги фаолияти мисол қилиб кўрсатилди. Мазкур партия ташкилотида йиғилишлар ҳеч қандай тайёргарликсиз, юзаки, расмият учунгина ўтказилаётгани танқид қилинди. Партия йиғилишларида ишчиларни қизиқтирадиган актуал масалалар онда-сонда кўрилади. Қабул қилинган қарорлар кўпинча умумий характерга эга. Чунончи, партия ташкилоти 1979 йил мобайнида 24 та масала юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарорларнинг тўртдан бири конкрет характерга эга бўлди, холос. Ҳар уч қарорнинг иккитаси бажарилмай, уларда белгиланган муҳим тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Шаҳар савдо бошқармаси, нон комбинати, тикувчилик-бадиий буюмлар фабрикаси бошланғич партия ташкилотларида ҳам шу каби нуқсонлар учраб турибди. 1-автоколоннада партия қарорларининг ижроси суст таҳлил этилмоқда. Бир қатор меҳнат коллективларида бошланғич ташкилотларнинг йўналтирувчи кучи унча сезилмаётир.

Кўриниб турибдики, конференцияда принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи баралла сезилиб турди. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан делегатлар ҳам ишдаги камчиликларни юз-хотир қилмасдан очиб ташладилар. Бу камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатиб бердилар.

— Сўнгги ўн ойда бош пудрат ишлари планини атиги 80 процент бажардик, — деди 10-механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотининг секретари П. Аҳмаджонов. — Меҳнат унумдорлигини ошириш плани уддаланмади. Ишни яхши, пухта ўйлаб ташкил эта олмаганлигимиз бунинг асосий сабабидир. Меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрлар кўнимсизлигини камайтиришга етарли эътибор бермадик. Ишчиларнинг кўнимсизлиги 39 процентни ташкил этганлиги, 1915 иш куни бекор ўтганлиги каби фактлар билан келишувчилик қилдик.

Конференцияда Андижон область партия комитетининг секретари М. Муҳитдинов нутқ сўзлади.

Конференцияда ишчилик ва маданий қурилишда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Уларни амалга оширишда бошланғич ташкилотларнинг ролини кучайтириш масалалари қабул қилинган қарорда катта ўрин эгаллади.

Конференцияда район партия ташкилотининг раҳбар органлари ва область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ С. Содиқов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

А. КУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРДА

Беш йилликнинг зарбдор қурилишларидан бири — Ўрта Осиёдаги энг йирик сув омборларидан ҳисобланмиш Андижон денгизи қурилишида ишлар ниҳоясига етай деб қолди. Ҳозир бу ерда асосан пардозлаш ва йўл қурилиш ишлари бажарилмоқда. Уларни «Андижангидрострой»га қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ва 5-механизациялашган кўчма колонна аъзоларидан иборат бригадалар олиб боришяпти. Суратларда: (юқорида) 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор бинокорларидан (чапдан ўнгга) Муҳаммад Содиқов, Исроил Темирбоев ва Михаил Краснобаев. Пастда эса Андижон сув омбори тўғонининг кўриниши.

У. Раҳимов фотолари.

В. И. ЛЕНИНГА САДОҚАТ РАМЗИ

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Чуст районидаги Энгельс номли колхоз деҳқонлари якунловчи йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтардилар. Хўжалик даромади салкам беш миллион сўмни ташкил этди.

Яқинда колхоз марказида доҳий В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди. Шу муносабат билан бу ерда район меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Райкомининг биринчи секретари Э. Дадабоев, машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Лочинов, қурилиш бригадаси бошлиғи И. Сулаймонов ва бошқалар доҳий В. И. Ленин орзуларини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар, қишлоқларда юз берётган катта социал-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида гапирдилар.

...Оқ ҳошия туширилди. Қишлоқ меҳнаткашлари кўз ўнгида саккиз метр баландликдаги доҳийнинг буюк сиймоси гавдаланади. Бу монументал ҳайкал Ж. Зоидов лойиҳаси асосида яратилган. Тантанали йиғилиш охирида доҳий В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Т. НАЗИРОВ.

мусобақа Ёқундалиги

КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШДИ

Қашқадарё областидаги энг кекса корхоналардан бири — Шаҳрисабз пахта тозалаш заводида янги универсаль поток линиялар ишга туширилди. Мазкур линиялар илгаригиларига қараганда икки баравар кам майдонни ишғол этади. Бундан ташқари уни бошқаришда банд бўлган ишчиларнинг сони ҳам икки баравар камайтирилди. Янги универсаль поток линиялар ҳар соатда 15 тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган хом ашёнинг ҳаммаси аъло сифат билан қабул этилмоқда.

Корхона коллективи съезд олди мусобақасини кенг авж олдириб, агрегатларнинг тўла қувват билан ишлашини ҳамда тўқимачилик комбинатлари учун сифатли хом ашё тайёрлашни кундан кунга яхшиламоқда.

РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ КЎПАЯДИ

Бекобод металлурглари рўзғорда кўп ишлатиладиган буюмларни ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқдалар. Яқинда давлат комиссияси эмаль идишлари тайёрлайдиган цехда барпо этилган янги қувватларни қабул қилди. Бу ерда қўшимча пресслар ва печлар ўрнатилиб, чиройли, гулдор эмаль идишлар тайёрлашга мўлжалланган.

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Хоразм балиқ комбинатининг комсомол аъзоси Абдулла Машарипов бошлиқ бригадаси ишчилари беш йилликнинг якунловчи йили учун ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт берган эдилар. Бригада ишчилари ёландан ташқари 1600 центнердан ортиқ балиқ тайёрлаб бердилар.

Шу кунларда комбинатда бу илғор коллективдан ўрнак олган бошқа ишчилар ҳам ўз устларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

КПСС Марказий Комитети октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларини амалга оширамиз

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАЪВАТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида сўзлаган илҳомбахш нутқида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида олға қараб катта қадам ташланганини таъкидлади. Айни кезда халқ хўжалигини ривожлантиришда ҳамма ишлар ҳам силлик бормаганини, кўпгина қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келаётганини уқтирди.

«Колхоз ва совхозларда илғор тажрибани сабот-матонат билан жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхши йўлга қўйиш керак», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Колхозимиз аъзолари бу қимматли фикрлардан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олмоқдалар. Пленум ҳужжатлари пахтачилик бригадалари, сут-товар фермаси, автотрактор парки, правление ва партия комитетининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши, очиқ партия мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, ўнинчи беш йилликка якун ясалянти, ўн биринчи беш йиллик, хусусан, 1981 йил планлари ички имкониятлар тўла ҳисобга олинган ҳолда аниқ режалаштириляпти.

Ўтиб бораётган хўжалик йилининг якуни қандай бўлди? Пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун яна қандай резервлар бор? Колхозимиз 1980 йилда она-Ватанга 6500 тоннага яқин юқори сорт «оқ олтин» етказиб берди, юксак социалистик мажбуриятини шараф билан бажарди, ҳар гектар майдондан 42 центнердан ошириб хирмон кўтарди.

Бундай муваффақиятнинг сири нимада? Ҳар қарич ердан унумли фойдаландик. Хўжалигимиз территориясида янгидан ўзлаштириладиган ер йўқ. Шу сабабли фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни кенг қўллаб, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор бердик. Агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, гектарлар тўла, кўчат сони бут бўлишини таъминладик. Натижада ҳар гектар ердан олинган ҳосил аввалги йиллардагига нисбатан саккиз центнердан кўпроқ кўтарилди. Биз Пленум қарорлари асосида келаси йили ҳар гектар ердан камида 45 центнердан пахта етиштиришни бош вазифа қилиб белгиладик.

Пахтанинг ялпи миқдорини ошириш учун анчагина ички резервларга эгамиз. Норбўта Ортиқов, Абдулла Эшболтаев, Бозор Мардоновлар бошлик бригадаларимиз гектаридан деярли 60 центнердан ҳосил олди. Сафар Бердиёров, Чоршанби Холбоев, Олимхон Раҳимов, Амир Шоёнов, Тошмамат Маматқулов, Холиқ Ортиқовлар бошлик бригадаларнинг аъзолари ҳам ҳосилдорликда юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилганидек, барча бригадаларимизда етиштирилган «оқ олтин» жамланиб, 1980 йил, умуман эса ўнинчи беш йиллик пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбурият ортиги билан ado этилди.

Лекин колхознинг ўртача кўрсаткичидан камроқ ҳосил олаётган бригадалар ҳам йўқ эмас. Уларга бириктирилган ернинг унумдорлиги пастми, техника воситалари, минерал ўғитлар кам ажратиляптими? Сув таҳқислиги юз беряптими? Биз правление ва партия комитетининг қўшма мажлисида хўжалик фаолиятини муҳокама қилиб, келаси йили нисбатан камҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш йўли билан ялпи пахта миқдорини камида минг тонна кўпайтиришга қарор қилдик. Колхозчи-деҳқонларимиз бу тадбирни тўла маъқулладилар.

Пахтани ниҳоятда борича эртаги қилишимиз керак. Шунда дефолиация энг яхши агротехника муддатида ўтказилади, учинчи ярусдаги кўсаклар ҳам пишиб етилади. Афсуски, ҳозирча дефолиация кечикиб ўтказиляпти, бунга юқори шохлардаги иккиучта кўсак тўла пишиб етилмагани баҳона қилиб кўрсатиляпти. Дефолиация кечикиши оқибатида машиналар вақтида ишга туширилмаяпти, фурсат қўлдан бой берилянти. Оқибатда «зангори кема»ларнинг иш унуми паст бўляпти, пахтанинг бир қисми ерга тўкилиб, ўзимизга иш кўпайяпти. Пахта эртаги бўлса дефолиация ҳам вақтида, сифатли ўтказилади, машиналар юқори унум билан ишлатилади. Шу ҳисобга ҳар гектар ердан қўшимча 3—4 центнер ҳосил олишимиз мумкин ва лозим.

Колхозимиз шу йили ялпи ҳосилнинг 4,5 минг тоннасини машиналарда терди. Наримон Ортиқов, Холмат Бўриев, Алимардон Ниёзов, Хуррам Эрдонов, Эргаш Норбоев, Иброҳим Сафаров каби механизаторларимизнинг ҳар бири машина бункеридан 180—200 тоннадан пахта тўкишди. Бу борада шуни айтиш керакки, механизаторларимизнинг малакасини оширмоғимиз ва уларнинг сафини кенгайтирмоғимиз керак. Чунки пахтачиликда комплекс механизация бундан кейин ҳам асосий ва ҳал қилувчи йўналиш бўлиб қолади.

Ниҳоят, келаси йили пахтадан янада юқори ҳосил етиштиришнинг муҳим омилларидан бири агротехниканинг кузги-қишки тадбирларини ғоят сифатли қилиб ўтказишдир. Биз ҳар йили йиғим-терим охирида ишни конвейер усулида ташкил этамиз. «Зангори кема»лар пайкаллардан чиқарилгач, ўрнига ғўзапоя юладиган техникани киритамиз. Ўнгача чаноқларда қолган, қатор ораларига тўкилган пахтани тўла териб оламиз. Шу мақсадда зарбдор бригадалар тузамиз. Бу йил ҳам айнан шундай қилдик.

Шу кунга қадар катта майдонларнинг ғўзапояси йиғиштириб бўлинди, пешма-пеш далаларга кўплаб минерал ва органик ўғитлар солиняпти. Тракторчиларимиз пайкалларни 35—40 сантиметр чуқурликда шудгорлаяпти. Тажриба шуни кўрсатдики, вақтида ўтказилган сифатли шудгор пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 5—6 центнер кўтариш имконийтини беради. Ундан ташқари тупроқ майин ҳолга келади, донадорлиги ортади, қишки ёғингарчилик туфайли кўп нам тўпланади, баҳорда ер чизелланиб чигит экилаверади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шудгорланган майдонларда қиш фаслида қишлоқ хўжалик зараркунандалари, хусусан, кузги тунлам, ўргимчаккана, кўсак қурти қирилиб кетади. Шуларни ҳисобга олиб, кузги шудгорни ҳамма жойда тез ва сифатли ўтказмоғимиз керак, бу билан келаси йил юқори ҳосилга ҳамиртуруш ташлаймиз.

Ер ҳам чарчайди, қувват йиғмоқ учун озуқага муҳтожлик сезади. Шуни ҳисобга олмоғимиз керак. Биз ҳар йили қузда гектар ҳисобига 500 килограммгача минерал ўғит, 25—30 тонна органик ўғит соламиз. Бу ўғитлар шудгорлаш пайтида тупроқнинг қуйи қатламига чўкиб, қиздириди ва донадорлигини оширади. Хўжаликларда махсус органик ўғитлар тўплаш бригадалари тузилса, фермалар, хонадонларнинг оғилхоналаридан органик ўғитлар далага ташиб чиқарилса ёки хандақларда чиритилса, юқори ҳосилга замин яратилган бўлади. Бу муҳим ишни ҳозирдан бошлаб амалга оширмоғимиз керак.

Колхозимизда барча тармоқлар ривожлантириляпти. Давлатга дон, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-узум сотиш планлари ошириб бажарилди, сут, гўшт, туҳум тайёрлаш 25—30 процент кўпайди. Бир сўз билан айтганда, ўнинчи беш йилликни барча соҳалар бўйича планлар ва мажбуриятларни тўла бажариш билан якунлаяпмиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизда 6 миллион тоннадан ортиқ пахта тайёрланиши муносабати билан йўллаган табрикномасида: «КПСС Марказий Комитети Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари колхоз ва совхозларнинг моддий-техника таъминоти ошганлигига таяниб, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун сабот билан курашадилар, эришилган натижаларни мустаҳкамлайдилар, Ватанни коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан қувонтирадилар, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар», — деди.

Бу илҳомбахш сўзлардан руҳланган колхозимиз аъзолари ўн биринчи беш йиллигининг биринчи босқичи — 1981 йилда пахта ва бошқа маҳсулотларни кескин кўпайтириш учун астойдил курашадилар.

Усмон ҚОДИРОВ,

Денов районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙИДА

● **САРАТОВ.** Революционер ёзувчи Николай Гаврилович Чернишевскийнинг Саратовдаги уй-музейида очилган янги экспозиция адибнинг ҳаёти ва фаолиятидаги номаълум саҳифалар билан таништиради. Бу ерда намойиш қилинаётган барча ҳужжатлар, мактублар, фотосуратлар биринчи марта тақдим этилмоқда. Улар орасида Чернишевскийнинг дастхати бўлган китоб, ёзувчининг шогирди — «Нима қилмоқ керак!» романида Рахметов образига прототип бўлиб хизмат қилган П. П. Бахметьевнинг аттестати бор.

● **МИНСК.** Минск метрополитени қурувчилари сафига ёш мутахассислар отряди келиб қўшилди. Шаҳардаги 25-ҳунартехника билим юртини битириб чиққан ёшлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Минскнинг фахрий граждани Денис Булаховдан маҳорат сирларини ўргандилар. Тиллярда достон бўлган Кузнецк шаҳрининг дастлабки қурувчиларидан бири, Улуғ Ватан урушининг солдати бўлган Денис Булахов Белоруссия пойтахтини барпо этишда ёрқин саҳифа очди. Денис Григорьевич ўзининг бой тажрибасини меҳр билан ёшларга ўргатмоқда.

● **ГОМЕЛЬ.** Давлат комиссияси «Гомсельмаш» бирлашмасида яратилган прицепли дон йиғиштирадиган комбайнни кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этди. Комбайн «Т-150» агрегати билан биргаликда бир соатда 100 тоннагача кўк масса тайёрлаб беради. Бу шундай классдаги агрегатлар орасида энг юқори кўрсаткичдир. Конструкторлар машинани бир қанча аралаш касбга «ўргатдилар»: машина ғаллани ўриб олиб, ўзи ғарамлайди, айни вақтда кўк массани майдалаб, уни прицеплерга ортади. Бу эса қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ўрим техникаси сонини анча камайтириш ва дала ишлари қизғин туғ олган пайтда камида 200 минг механизаторни бошқа ишга ўтказиш имконини беради.

● **МАЖЕЙКЯЙ.** (Литва ССР). Литвада нефтни қайта ишлаш заводининг иккинчи навбати қурила бошлади. Заводга хом ашё «Дружба» нефть қувури орқали келтирилади.

● **ОДЕССА.** Одесса области билан Болгариянинг Варна округи меҳнаткашлари КПССнинг XXVI съезди ва БКПнинг XII съезди шарафига биргаликда меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Мусобақа қатнашчилари меҳнат унумдорлигини янада ошириш, тежамкорлик режимини кучайтиришга, плондан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

● **КЛАЙПЕДА** (Литва ССР). «Балтия» кемасозлик заводининг коллективи графикдан анча ўзиб янги кема қурди. Бу кемани КПСС XXVI съезди арафасида сувга туширишга мўлжалланади Комплекс бригадалар хўжалик ҳисобига ўтказилганлиги ишни жадаллаштириш имконини берди. Ҳозир барча бўлиқ овлаш траулерларини коллектив муддатидан илгари, давлат Сифат белгиси тамғаси билан топширмоқда.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚДА ЮРИДИК ХИЗМАТ

Қишлоқ жойларида қонунчиликни мустаҳкамлаш, меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқ тарбиясини олиб бориш, совет қонунларининг моҳиятини тушунтириб беришда қишлоқ юристлари ташаббускорлик кўрсатмоқдалар. Эндилиқда колхоз ва совхозлар штатида юрист бўлиши одат тусига айланиб қолди. Юристлар бригадаларда, дала шийпонларида, чорвачилик фермаларида, устахоналарда тез-тез бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашиб турадилар. Бундай учрашувларда гражданларнинг саволларига батафсил жавоб қайтаришга, маъмурий, пенсия, ер, сув, молиявий, меҳнат ва бошқа қонунларни кенг тушунтиришга тўғри келади.

Тошкент областининг Калинин районидаги хўжаликларда 38 юрист иш олиб бормоқда. Улар меҳнаткашлар ўртасида ҳуқуқ тарбиясини олиб бориш билан биргаликда хўжаликларнинг қонун доирасида иш кўришларини таъмин этмоқдалар.

Район ижроия комитети ҳузуридаги юридик хизмат бошлиғи Каримжон Жалилов, «Қибрай» совхозининг юристи П. К. Лейхтман, «Партия XXI съезди» совхози юристи Г. Еқубов, Орржоникидзе номли колхоз юристи М. Боруҳов, Абдураҳмонов номли совхоз юристи И. Аббосов ва бошқаларнинг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Қишлоқ юристлари меҳнаткаштларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилиб чиқмоқдалар. Бир мисол келтириб ўтайлик. Куйбишев номли колхозда яшовчи Рихсивой Тоҳировдан район ижроия комитетига шикоят тушди. Шикоятда томорқа учун белгиланган нормадагидан кам ер ажратилганлиги кўрсатилган эди. Район ижроия комитетининг К. Жалилов бошлиқ комиссияси текшириш ўтказган вақтда Р. Тоҳиров онласи саккиз кишидан иборат эканлиги, шулардан уч киши колхозда ишлаши, улар меҳнат минимуми нормасини ошириб бажараётганликлари маълум бўлди. Юристлар талаби билан колхоз правленияси колхозчига белгиланган норма бўйича томорқа ажратиб берди.

Юридик хизмат ходимлари хўжаликларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ўртоқлик судлари ишини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу масалалар юристларнинг ташаббуси билан қишлоқ ва район Советлари сессияларида муҳокама қилинмоқда. Халқ депутатлари район Советининг сессияларидан бирида меҳнат интизомнинг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш чоралари, меҳнат ҳақидаги қонунларга ва колхознинг намунали Уставига риоя қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ҳуқуқий ишлар яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда юридик хизматнинг қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий фаолиятига таъсири кучлироқ бўлади.

Колхоз ва совхозларда юридик маслаҳатчиларнинг иш ҳажми катта. Улар хилма-хил масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланадилар. Юристлар колхоз ва совхозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, дебитор қарзлар динамикасини ўрганадилар, социалистик ва кооператив мулкни сақлашни таъминлайдилар, маҳсулот сифатига таъсир ўтказадилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг турли ташкилотлар билан тузган шартномалари ўз вақтида бажарилишини контроль остига олиш юристларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Улар ўзаро шартномаларнинг моддама-модда бажарилишини контроль қиладилар. Агар томонлар бир-бирларининг фаолиятига эътироз билдиргудек бўлсалар, қонуний эътирозларнинг қондирилишига кўмаклашадилар. Бироқ, юристнинг вазифаси шу билан тугамайди. У шартномаларнинг бажарилишида эътирозларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни ўрганади ва уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Юристларнинг мураккаб фаолиятини кўрсатиш учун бир мисолни келтириб ўтаман. Райондаги хўжаликлар Янгийўл консерва заводига ҳар йили помидор топширадилар. Свердлов номли совхоз эса йилига 4 минг тонна помидор етказиб беради. Завод совхоздан қабул қилиб олган помидор учун берган квитанцияларда помидорнинг 6 проценти чириган, 20—30 проценти стандартга тўғри келмайди, деб кўрсатган. Текшириш вақтида заводга топширилаётган маҳсулот сифатини белгилашда мавжуд қоидаларга риоя қилинмаслиги аниқланди. Заводностандарт маҳсулот миқдорини кўпайтириб ёзган. Бу ишга юрист аралашгандан сўнг консерва заводидан совхоз фойдасига помидор сифатини нотўғри аниқланганлиги учун жарима тарзида 54360 сўм ундириб олинди.

Корхоналарда юридик хизматнинг қандай йўлга қўйилганига юқори ташкилотларда, суд ва арбитражда ҳал қилинадиган масалаларнинг нақадар камайтирилишига қараб баҳо берилади. Тажрибали юристлар қонунларга, хўжаликлараро тузилган шартномаларга қатъий риоя қилишни таъминлаб, суд ва арбитражсиз ҳам ижобий натижаларга эришмоқдалар. Малакали юристлар меҳнат можороларининг ҳам вақтида ҳал қилинишини таъминламоқдалар. Бинобарин, ҳуқуқ ишларининг яхши йўлга қўйилиши маънавий муҳитни янада соғломлаштиради. Ҳамма ходимларда юксак маданиятлиликни тарбиялашга ёрдамлашади.

Корхоналар, колхоз ва совхозларнинг нормал хўжалик фаолиятини юридик хизматсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Колхоз ва совхозларнинг хўжалик алоқалари кенгайган сари юристларнинг роли ортаверади. Эндиликда юрист ҳам экономист, агроном ва инженер, бухгалтер каби хўжаликнинг иқтисодий фаолияти учун энг зарур касб бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам район Совети ижроия комитети колхоз ва совхозларда юридик хизматни яхши йўлга қўйиш, илғор юристлар тажрибасини оммалаштириш чораларини кўрмоқда.

Е. МОРДУХАЕВ,

халқ депутатлари Калинин район Советининг депутати, «Қорасув» совхозининг юристи.

БУЗОҚЧИЛИК КОМПЛЕКСИ

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Ленин районидаги Карл Маркс номли колхозда бузоқлардан наслли сигирлар етиштиришга ихтисослаштирилган ферма ишга туширилган эди. Қисқа вақт ичида бу ерда бузоқлар сони 450 бошга етказилди. Бузоқлар қатъий озуқа рациони асосида боқилаётир. Айни пайтда уларнинг яхши ўсиши учун барча имкониятлар яратилган. Жонкуяр чорвадорлар ҳар бир бузоқни меҳр билан парвариш қилишяпти. Шунинг учун бузоқлар кун сайин ўсиб, этига эт қўшилаётир.

Суратда: бузоқбоқар Одина Абдураҳмонова иш устида.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

Республикамиз бўйлаб

ЎРМОНЧИЛАР ТАДБИРИ

Республика Ўрмон хўжалиги министрлигининг ихтисослашган 25 хўжалигининг ҳаммаси машина-механизмларни чўлларга чиқариб, саксовул ва черкез экиш учун майдонларни ҳайдашга киришдилар. Йил охирига бориб, Қизилқумда яна 30 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилади. Бундай ўрмонзорлар қоракўл қўй отарларини ёз фаслида жазирама иссиқдан яхши ҳимоя қилади.

КЎЧАТ ЭКИНГ — БОҒ ҚИЛИНГ

Чирчиқ ўрмон хўжалиги ёнғоқ-мевали экинлар кўчатини куз мавсумида ўтказишни тугаллади. Ўрмончилар қулай об-ҳаво шароитидан фойдаланиб, тоғларда 172 гектар майдонга ёнғоқ ва ширин бодом кўчатларини ўтказдилар. Кўчатларнинг бир қисми Хўжакент ва Чимён ўрмон хўжаликларининг зонасидаги Чотқол тоғ этакларига ўтказилди. Еш кўчатлар тупроқ хусусиятлари, чигит навлари, бошқа кўпгина омиллар ҳисобга олинган.

Олимларнинг минерал ўғит солишга доир тавсияларидан Узбекистоннинг бошқа областларидаги колхоз ва совхозлар ҳам фойдаланмоқдалар. Электрон-ҳисоблаш машинаси 300 дан кўпроқ хўжаликка хизмат қилишни ўз зиммасига олди. Унинг ёрдамида тузилган тавсияларни янги мавсумда бир миллион гектар, яъни ўтган қишлоқ хўжалик йилига қараганда, 250 минг гектар кўп ерда қўлланиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

кўз фаслида дарахт кўчатлари ўтказиш қизғин давом этмоқда. Механизациялашган отрядлар чўлларга ва тоғларга жўнаб кетишди. Бу отрядлар қисқа вақт ичида 4,5 миллионта кўчат ўтказишлари лозим. Дастлабки 100 мингта кўчат Тошкент областининг ўрмон хўжаликлари территориясида ҳозиргацаёқ ўтказилиб бўлди. Бухоро областидаги катта массивларда кўкаламзорлаштириш ишлари авж олдириб юборилди. Ўртачўл массивидаги қўриқ ерларда 100 гектарлик ўрмонзор барпо этилади, бу ихотазорлар қўриқ ерларни Қизилқумнинг гармсели ва кўчма қумлардан ҳимоя қилади.

ҲОСИЛДОРЛИК МАЛҲАМИ

Тошкент области хўжаликлари шудгорга фосфорли ўғит солиб бўлдилар. Юз минг гектардан зиёд далага «ҳосилдорлик малҳами» берилди. Қишлоқ хўжалик агрохимия хизмати марказий институтининг Тошкент филиалида «Пахта» программасига мувофиқ электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида тузилган план-тавсиялар кўпгина хўжаликларга ўғитларнинг энг мақбул дозаларини танлаб олиш имконини берди. Ана шу план-тавсияларда тупроқ хусусиятлари, чигит навлари, бошқа кўпгина омиллар ҳисобга олинган.

Олимларнинг минерал ўғит солишга доир тавсияларидан Узбекистоннинг бошқа областларидаги колхоз ва совхозлар ҳам фойдаланмоқдалар. Электрон-ҳисоблаш машинаси 300 дан кўпроқ хўжаликка хизмат қилишни ўз зиммасига олди. Унинг ёрдамида тузилган тавсияларни янги мавсумда бир миллион гектар, яъни ўтган қишлоқ хўжалик йилига қараганда, 250 минг гектар кўп ерда қўлланиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

УЧИНЧИ РЕАКТОР ИШГА ТУШИРИЛДИ

⊙ СОФИЯ. Козлодуйдаги атом электростанциясида 440 минг киловатт қувватли учинчи реактор ишга туширилди. Бу реактор йил охиригача лойиҳада белгиланган қувват билан ишлай бошлайди.

Козлодуй атом электростанциясининг тарихи — Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасидаги самарали ҳамкорлик йилномасида янги саҳифадир. Совет Иттифоқи АЭСни лойиҳалаш ва қуриш, машина-ускуналар етказиб бериш соҳасида республикага ёрдам берди.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

БЕРЛИН. Трансформаторлар ва медицина аппаратлари ишлаб чиқарувчи Г. Матерн номидаги Дрезден корхонасининг мутахассислари медицина соҳасида рентгенологик тадқиқотлар ўтказиш учун янги мослама тайёрладилар. Бу мослама синовдан муваффақиятли ўтди. «Аъло сифат» белгисини олишга сазовор бўлган дастлабки 10 прибор завод цехларидан жўнатилди. Муддатидан бир йил олдин ишлаб чиқариш учун тайёрланган бу аппаратлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги поликлиника, касалхона ва лабораториялар учун мўлжалланган.

КОНТЕЙНЕРЛАРДА ЮК ТАШИШ ОРТИБ БОРЯПТИ

⊙ БУДАПЕШТ. Венгрия темирйўлчилари контейнерларда юк ташиш ҳажмини ҳар йили қарийб йигирма беш процент кўпайтирмоқдалар. ВХРда 1979 йилдан тортиб 1985 йилгача контейнерларда юк ташиш ҳажми 1,1 миллион тоннадан 5,3 миллион тоннага етказилади.

Транспорт алоқаларини ривожлантириш соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган ва Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Москвада ўтказилган XXXIII сессиясида маъқулланган тармоқ программаси республикада транспортда юк ташишнинг ана шу прогрессив формасини ривожлантириш учун қудратли омил бўлди.

КУБА КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ

⊙ ГАВАНА. Куба Компартиясининг II съезди шу йил 17 декабрдан 20 декабргача давом этади. Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Хосе Рамон Мачадо Вентура бу ерда шуни хабар қилди.

У айтдики, съездда мамлакатнинг 1981—1985 йиллардаги иқтисодий ва социал вазифалари муҳокама қилинади. Партия ишларида тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, партия уставига баъзи ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади.

(ТАСС).

СССРНИНГ ТИНЧЛИКСЕВАР ТАШҚИ СИЁСАТИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг Европада ва бутун жаҳонда кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва амалий тадбирларини соғлом фикр юритувчи америкаликлар маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Американинг таниқли дипломати, сиёсий ва жамоат арбоби, АҚШнинг Совет Иттифоқидаги собиқ элчиси Аверелл Гарриман Совет Иттифоқининг тинчлик мақсадларини кўзда тутиб, БМТ Бош Ассамблеяси муҳокамасига қўйган таклифларига юксак баҳо берди. Бу таклифлар ядро уруши хавфини камайтиришга, қуролланиш пойгасини чеклашга, ҳарбий ҳаражатларни қисқартириб, бўшаб қолган маблағлардан энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш учун фойдаланишга қаратилган. Бу таклифлар, деди Америка дипломати, «Жуда яхши таклифлар» бўлиб, «тўғри йўлдан қадам ташлаб борилаётганлиги»ни кўрсатади. «Бу таклифлар мамнуният ҳисларини уйғотади, эътибор билан ўрганиб чиқишга лойиқ бўлиб, жуда катта наф келтиради».

А. Гарриман АҚШда янги маъмурият ҳокимият тепасига келиши билан Совет — Америка муносабатлари ақл-идрок билан иш кўриш, кескинликни юмшатиш, тинч шароитда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлига қайтади, деб умид билдирди. «Биз, — деб таъкидлади у, — бундай имконият борлигига ишонамиз ва бунга жуда катта умид боғлаймиз».

КУРАШЧИЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Софияда ўтаётган тинчлик учун курашувчи халқлар жаҳон парламенти делегациясини ўтган шанба куни БМТ Бош секретари К. Вальдхайм қабул қилди. Делегация унга ана шу муҳим анжуман ҳужжатларини топширди. Анжуманда бир неча ўнлаб мамлакатдан келган делегатлар иштирок этдилар.

Делегация бошлиғи, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Р. Чандра ҳужжатларни топшира туриб айтдики, София анжумани жаҳон халқлари халқаро вазиятнинг кескинлашганлигидан ва қуролланиш пойгасининг давом этаётганлигидан ғоят ташвишланаётганлигини акс эттирди. Асосий вазифа — воқеаларнинг ана шундай ниҳоятда хатарли ривожланишига чек қўйишдан иборат. Ҳали кеч эмас экан, кескинликни юмшатиш, уруш хавфини камайтириш юзасидан қатъий ва самарали чоралар кўриш керак.

К. Вальдхайм София анжуманининг мақсадлари БМТ ўз олдига қўйган асосий вазифаларга мос эканлигини айтди. Жамоатчилик фикрини қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган куч-ғайратларни қўллаб-қувватлаш сафарбар этиш ғоят муҳимдир, деди у.

МОЖАРО ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД, 23 ноябрь. (ТАСС). Ироқ билан Эрон ўртасидаги қуролли можаро икки ойдан бери давом этмоқда. Ана шу вақт мобайнида уруш ҳаракатлари фронтнинг бутун 550 километрли линияси бўйлаб авж олиб кетди. Жанубий участкада Ободон, Ахваз, Сусенгерт шаҳарлари районларида айниқса шиддатли жанглар бўлмоқда. Баъзи бир районларда Ироқ қўшинлари Эрон территориясининг 110 километргача ичкарисига кириб борди.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг хабар қилишича, 21 ва 22 ноябрь кунлари Ироқ қўшинлари Эрон солдатларидан 23 кишини қириб ташлаб, ўнлаб кишини ярадор қилганлар, фронтнинг шимолий участкасида вертолётни уриб туширганлар, бир қанча автомашинани мажақлаб, ўқ-дори омбоорларини вайрон қилганлар, талайгина миқдорда ҳар хил қурол-яроғ ва ҳарбий анжомаслаҳаларни ўлжа олганлар. Мазкур давр ичида Ироқ томонидан 26 кишн ўлдирилган. Ҳозирги вақтда БМТ Бош секретари К. Вальдхаймнинг махсус вакили, Швециянинг собиқ бош министри У. Пальме Бағдодда турибди. Унинг Ироққа визити можаронн бартараф этиш йўлларини қидириб топиш юзасидан БМТ сарфлаётган куч-ғайратлар муносабати билан ўтмоқда. Илгари У. Пальме худди шундай миссия билан Эронда бўлган эди.

ТЕҲРОН, 23 ноябрь. (ТАСС). Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг маълумотларига кўра, кейинги кунларда фронтнинг ғарбий участкаларида Эрон қўшинлари ташаббусни қўлга олиб, олға силжидилар. Улар Сумар районида тўрт кун мобайнида олдиндан режалаштириб қўйилган ҳужум операциясини ўтказдилар ва ироқликларнинг бир қанча позицияларини, шу жумладан стратегик аҳамиятдаги тепаликларни ишғол қилдилар. Эронниг қуруқликдаги қўшинлари артиллерия ва авиациянинг мададида мазкур районни душмандан тозалаш ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Иккала томон ҳам талафот кўрди.

Илонн ғарб ва Сарипулизоҳаб районида ҳам жанглар давом этмоқда. Радионинг маълумотларига кўра, Ироқ Сусенгертга янги кучларни келтирмоқда.

Жанубда жанглар Ободон районида давом этмоқда. Кеча Эрон артиллериячилари ироқликларнинг шу секторда ги бир қанча мустаҳкамланган позицияларини яксон қилишга муваффақ бўлдилар. 9 та танк, 6 та тўп, 3 та ўқ-дори омбори яксон қилинди. Ироқ томонидан 15 нафарга яқин солдат ўлдирилди ва яраданр қилинди. Бу ерда актив иш кўраётган Эрон вертолётларининг ҳаракатлари натижасида кеча Ироқ позицияларида 40 киши ўлдирилган ва 80 киши яраданр қилинган.

Кеча эронликлар Ахваз районида ҳам йирик операцияни амалга оширдилар, улар бу ерда ироқлик 70 солдатни йўқ қилдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ДЕҲЛИ.** Ҳиндистондаги Гужарат штатининг ҳукумати 300 минг нафар батрак учун арзон уйлар барпо этиш программасини амалга ошира бошлади. Ана шу қурилишлар учун 750 миллион рупия ажратилган. Қишлоқ хўжалик ишчиларини уй-жой билан таъминлаш — Гужарат меҳнаткашларининг аҳволини яхшилашга қаратилган социал-иқтисодий тадбирлар планининг муҳим таркибий қисмидир.

● **АДДИС-АБЕБА.** Кўп миллатли корпорациялар ривожланаётган мамлакатларнинг табиий бойликларини талон-торож этиб ва уларнинг аҳолисини эксплуатация қилиб, жуда катта фойда олиб келмоқда, шу билан бирга Ғарбнинг ёш давлатларга сиёсий тазйиқ ўтказиш қуроли бўлиб ҳам хизмат қилмоқдалар. Эфиопияда чиқадиган «Аддис земен» газетаси кўп миллатли корпорацияларнинг хатарли фаолиятига қарши кураш ҳафталигига бағишлаган мақоласида ана шулар тўғрисида ёзади. Бу ҳафталик Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ташаббусига биноан ўтказилмоқда.

Газета империалистик давлатларнинг саноат-молия корчалонлари ва ҳукмрон доиралари талончилик сиёсатини ўтказишда хатти-ҳаракатларни қатъий мувофиқлаштириб олаётганликларини уқтиради.

● **ВАШИНГТОН.** Америка пойтахтида жиноятчилик фалокатли равишда ўсиб бораётганлиги АҚШ конгрессида муҳокама қилинди. Сенат билан вакиллар палатасининг маблағлар бўйича комиссиялари қўшма мажлисда шаҳарда тартибни сақлаш учун полициячиларнинг қўшимча қисмларини тайёрлашга маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Бироқ, матбуотнинг далолат беришича, жиноятчиликка қарши курашга доир ҳамма чоралар исталган натижани бермаяпти, чунончи шу йилнинг учинчи кварталида Вашингтонда қуролли талончилик ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 80 процент кўпайди. Ҳар куни бу ерда 200 га яқин оғир жиноят қилинмоқда.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

«ЖАСТИҚ» — БАХТ ҲАҚИДА ҚУЙЛАЙДИ

«Жастиқ» («Ёшлик») вокал-чолғу ансамбли Бухоро область «Конимех» давлат наслчилик заводининг қоракўлчилари ҳузурида янги концерт программасини қўйди. Программада жонажон партия, меҳнат қувончи ҳақидаги қўшиқлар бор. Конимех районидаги маданият уйи ҳузурида ишлаб турган бу ҳаваскорлик коллективи концерт программасини партиянинг бўлажак XXVI съездига бағишлади.

САНЪАТ БИЛАН ДЎСТЛАШИШМОҚДА

Фарғонанинг марказида қурилган 2-болалар боғча-яслисида қўғирчоқ театри ташкил қилинди. Бу ерда кичкинтойларни эстетик жиҳатдан тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Болалар боғчаси ходимларининг ташаббуси билан катта ёшдаги болалар машҳур эртаклар асосидаги қўғирчоқ спектаклларни саҳналаштира бошладилар.

МАКТАБ ФИЛАРМОНИЯСИ

Бухородаги Ҳалим Ибодов номли 1-болалар музика мактаби ҳузурида ўқувчилар учун филармония очилди. Филармониянинг тўрт йилга мўлжалланган перспектив иш плани музика жанрлари, классикларнинг асарлари, Ўзбекистон ва қардош республикалар композиторларининг янги асарлари билан танишишга бағишланган.

Ўзбек халқи тарихида биринчи марта универсал қомус — Ўзбек Совет Энциклопедияси [ЎзСЭ]нинг сўнгги, 14-жилди нашрдан чиқди. Шу муносабат билан Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон энциклопедия Бош редакциялари ходимларининг регионал кенгаши ўз ишини бошлайди.

ЎЗБЕК ҚОМУСИ

Универсал қомусни ҳар миллатнинг етуклик шаҳодатномаси дейишади. Чиндан ҳам, хилма-хил луғатлар, тарихий ва илмий асарлар яратиш соҳасида кўп асрлик тажриба ва анъанага эга бўлмасдан туриб, мутахассис олимларсиз бундай ғоят қийин ишни уддалаш мумкин эмас. Ҳар қандай улкан иш ниҳоясига етганда, якун ясалаётганда босиб ўтилган йўлга назар ташланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташаббуси билан, қолаверса илмий жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, республика партия ва ҳукумати Ўзбек Совет Энциклопедияси нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. 1961 йилда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти таркибида Энциклопедия сектори тузилди. Бу соҳада муайян тажрибага эга бўлган олим Н. Муродов бу ишга бошчилик қилди. Қомусчилик иши 1966 йилдан жадаллаштирила бошланди. Ўша йили Тил ва адабиёт институтининг Энциклопедия сектори бўлимга айлантирилди. Унга атоқли фольклорчи олим, филология фанлари доктори Ҳ. Зарифов мудир қилиб тайинланди. Бўлимда физика-математика ва техника фанлари, химия-биология ва медицина фанлари, иқтисодий фанлар, Ер ҳақидаги фанлар секторлари ташкил этилди. Дастлаб, фан ва маданиятнинг барча соҳаларига доир 52 та сўзлик лойиҳасини муҳокама қилиш учун нашрдан чиқаришди. Ҳар қандай энциклопедия сўзлик тузишдан бошланади. Сўзлик энциклопедияда бериладиган терминлар, тушунчалар, ҳодисалар, географик ва шахсий номлар рўйхатидир.

Сўзлик ва биринчи жилд макети республика илмий жамоатчилиги ва масъул ходимлар ўртасида муҳокама қилинди. Турли илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, партия ва совет ходимлари, фан ҳамда маданият арбобларидан, шунингдек, қардош республикалар энциклопедиялари Бош редакцияларидан 1200 дан ортиқ тақриз, таклиф, мулоҳаза ва истаклар олинди. Ана шуларни ўрганиш асосида редакциялар илмий секциялар ёрдамида барча соҳалар бўйича сўзликларни қайтадан ишлади ва тўлдирди.

Замонавий универсал энциклопедия илмий-оммабоп справочникларнинг олий шакли, кўпдан-кўп айрим мақолалар мажмуигина эмас, балки илмий ахборотларнинг тартибга солинган бир бутун системасидир. У фан ва амалиётнинг барча соҳалари бўйича муҳим маълумотлар беради. Энциклопедия билим ҳамда маданиятнинг шу даврдаги савиясини акс эттириш билан бирга муайян идеологик ахборот бериб, маълум синфнинг манфаатларини ифода этади. Ўзбек Совет Энциклопедияси коммунистик идеология билан суғорилган марксча-ленинча энциклопедиядир.

Қомус бирон бир термин ёки тушунча остида шу соҳага оид энг сўнгги ва зарур маълумотларни ишончли қилиб лўнда баён этади. А. С. Пушкин ўз даврида чиққан энциклопедик луғатлардан бирини изоҳлар экан, энциклопедияларнинг тили содда, тўла ва сиқиқ бўлиши керак деган эди. Бизнинг энциклопедия худди ана шундай принципга амал қилади. Мисол учун кибернетика бутун дунёда, СССРда, жумладан Ўзбекистонда жуда тез ривожланиб бормоқда. Бу соҳада юзлаб йирик асарлар, минглаб мақолалар ёзилмоқда, қанчаданқанча диссертациялар ёқланмоқда. ЎзСЭдаги беш минг ҳарфдан иборат «Кибернетика» мақоласида кибернетиканинг қисқача тарихи, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, унинг халқ хўжалигидаги роли етарли даражада баён этилган.

Математика, биология, геология, медицина каби фан соҳалари ҳақидаги у қадар катта бўлмаган мақолаларда ҳам шу фанларнинг тарихи, мазкур соҳаларда дунёда, СССРда, жумладан республикамизда қўлга киритилган ютуқлар, фанларнинг амалий аҳамияти ўз ифодасини топган. Ўзбек қомусида халқларимизнинг кўп асрлик тарихи, бой маданий ва илмий мероси, инсоннят маданиятига қўшган ҳиссаси, машҳур олимлари, мутафаккир ва шоирлари, халқ ҳунармандлари ва усталарининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, айниқса, мамлакатимизнинг социалистик қурилиш йилларида халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида эришган улкан ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Қомусхон эндиликда энциклопедия саҳифаларидан республикамиздаги Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, машҳур партия ва давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳақида, СССР Фанлар академияси ва тармоқ академияларининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари, фан докторлари ва профессорлар тўғрисида, республикамизнинг таниқли ёзувчилари, композиторлари, рассомлари, СССР халқ артистлари, Ўзбекистон халқ артистлари ва ҳофизлари тўғрисида биографик мақолалар ўқийдилар.

ЎзСЭда республикамиз географияси ҳам кенг ўрин олган. Ўзбекистондаги 11 область, ҚҚАССР, 151 район, 101 шаҳар, 97 посёлка ҳақида маълумот берилган. Республикамиз халқ хўжалигида сув жуда катта аҳамиятга эга. Ана шунинг учун ҳам дарё, канал ва йирик ирригация манбалари ҳақида, шунингдек Мирзачўл, Марказий Фарғона ўлли, Қарши чўли каби ўзлаштирилган территориялар тўғрисида йирик материаллар берилган. Энциклопедиямизда бошқа аҳоли пунктлари билан биргаликда аҳолиси 500 дан ортиқ бўлган социалистик қишлоқларнинг бугунги қиёфаси кўрсатилган.

ЎзСЭда адабиёт ва санъат масалалари катта ўрин тутади. Унда тил-адабиёт ва фольклор, санъат ва архитектурага оид 5000 дан ортиқ мақола ўқиш мумкин.

Ўзбекистон индустриал-аграр республика бўлганидан ЎзСЭ саҳифаларида қишлоқ хўжалигига кенг ўрин берилган. Хусусан пахтачилик, чорвачилик, жумладан қоракўлчилик, пиллачилик, шунингдек боғдорчилик, полизчилик ва бошқа соҳаларга 3000 га яқин мақола бағишланган.

ЎзСЭ миллий қомус бўлиш билан бирга интернационал қомусдир. Унда умумбашарий маълумотлар кенг ўрин олган, социалистик мамлакатларнинг равнақи, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, халқларнинг мустақиллик ва миллий озодлик йўлидаги курашлари, дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар, жаҳон картасида рўй бераётган муҳим янгиликлар акс эттирилган.

Қомусимиз бош штабида фан ва маданиятимиз турли соҳаларининг 90 дан ортиқ йирик намояндаси бор эди. Шу билан бирга 25 илмий секцияга 200 дан ортиқ олим ва мутахассис бирлашган бўлиб, улар энциклопедия материалларининг илмий ва ғоявий савияси юксак бўлишини таъминлашда редакция ходимларига ғоят катта ёрдам бердилар. Айниқса, жамоатчилик асосида ишлаган секцияларнинг хизматлари мақтовга сазовордир.

Етмишинчи йилларда универсал энциклопедия яратиш борасида тажриба ортирган қомусчилар олдида янада мураккаб ва фахрли вазифалар турибди. ЎзСЭ Бош редакциясининг 1981—1985 йилларга мўлжалланган истиқбол плани тасдиқланди. Қомусчилар КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига республикамизга бағишланган махсус томни рус тилида совға қиладилар. Яқин йилларда ўзбек ва рус тилларида икки жилдли «Пахтачилик энциклопедияси», ҳар икки тилда бир жилдли «Тошкент» энциклопедияси нашр этилади. «Руса-ўзбекча луғат», «Энциклопедик луғат», «Саломатлик», «Меҳнат ҳуқуқи» энциклопедиялари, «Қисқача ўй-рўзғор энциклопедияси» устида жадал иш олиб борилмоқда.

Ўзбек Совет Энциклопедияси келажакда республикамизда турли хил энциклопедия ва луғатлар чиқарадиган асосий марказ бўлиб қолиши шубҳасиздир.

К. ЗУФАРОВ,
Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош муҳаррири, республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси.

ИМКОНИЯТ ВА ЯКУНЛАР

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионати ҳақида мулоҳазалар

Спорт мусобақаларининг энг оммавий ва қизиқарли турларидан ҳисобланган футбол баҳслари ҳам ниҳоясига етди. Эрта баҳордан мамлакат чемпионатининг совриндор ўринларн учун бошланган кураш куни кеча сўнгги учрашувлар билан якунланди. Мамлакат XXXXIII чемпионатининг олтин медалларини қўлга киритган коллектив бу йил эртароқ аниқланди. Сирасини айтганда, чемпионлик учун мавсум бошидан тбилисилик динамочилар, «Шахтёр», «Спартак» ва киевлик динамочилар астойдил талабгорлик қилдилар. Спартакчилар биринчи давра ўйинларида кўтаринки рухда тўп суриб, муваффақият қозондилар. «Шахтёр» футболчиларининг дастлабки учрашувларидан кейин сусткашликка йўл қўйишлари мавқеларининг бўшашиб кетишига олиб келди. ЦСКА командаси футболчилари эса тбилисилик футболчилар қатори 20 та очко тўплаб, бронза медалига даъвогар эканликларини амалда кўрсатдилар.

Иккинчи давра пешқадамлар мавқеида ўзгаришлар ясади. Чунончи, «Зенит» командаси ҳужумкорликка зўр бериб, ўйиклар жадвалининг юқори погоналарига кўтарилди. Киевлик динамочилар эса сўнгги учрашувларга қадар пешқадамликни бой бермасликка ўринди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Спартак» охирги икки ўйин олдидан 45 очко билан кифояланишга мажбур бўлдики, бу пайтда киевлик футболчилар очколарини 50 тага етказиб, муддатидан илгари чемпион номига сазовор бўлдилар. Шу тарика чемпионатнинг олтин ва кумуш медаллари тақдири эртароқ ҳал бўлди. Бронза медаль совриндори эса якунловчи учрашувлар натижасига боғлиқ бўлиб қолди.

Мамлакатимизда тобора оммалашиб бораётган спортнинг футбол турнирининг ривожига ўзбекистонлик чарм тўп усталари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кейинги беш йил мобайнида республикамизда футболни ривожлантириш ва оммавийлигини таъминлашда катта қадам ташландн десак бўлади. Боиси, олий лигачилар сафида «Пахтакор» футболчилари маҳоратларига маҳорат қўшаётган бўлсалар, биринчи лигада дастлабки мавсумини ўтказган Жиззахнинг «Бўстон» командаси мухлисларни мамнун этишга ҳаракат қилди. Учинчи эшелонда республикамизнинг умидли 17 коллективи иштирок этгани Ўзбекистонда ажойиб ўринбосарлар камол топаётганлигидан далолатдир.

«Бўстон» командаси футболчилари собиқ пахтакорчи Аҳрор Иноятов бошчилигида ҳамжиҳат коллектив эканликларини дадил намойиш қила олдилар. Жиззахликлар мавсум бошида айниқса чиройли ўйинлар кўрсатиб пешқадамлар сафидан жой олиб, мухлисларни беҳад қувонтиришди. «Бўстон» ўзининг биринчи мавсумида мавқеини мустаҳкамлашни кўзлаган эди. Бироқ иккинчи давра ўйинларида сусткашликка йўл қўйиб, 24 коллектив орасида 19-ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. Жиззахликлар ҳисобида 15 ютуқ, 12 дуранг, 19 мағлубият бўлиб, 48-61 ҳисобидаги тўплар нисбати билан 42 та очко бор. Ўйлаймизки, жиззахликлар биринчи лигадаги иккинчи мавсумларини эзгу ниятлар билан бошлайдилар ва бу йил олий лигага йўлланма олган «Таврия» ҳамда «Днепр» коллективлари йўлидан изланадилар. Биринчи лигани эса бу сафар «Крылья Советов», Нальчикнинг «Спартак» ва «Уралмаш» командалари тарк этдилар.

Биринчи лигада омади юришмаган коллективлар ўрнида эса, келаси йилдан бошлаб киевлик армиячилар, Павлодарнинг «Трактор» ва Костроманинг «Спартак» командалари эгаллайдиган бўлдилар. Иккинчи лиганинг ғолиблари орасида самарқандлик динамочилар ҳам бор эди. Улар тўққиз зона пешқадамларнинг уч группага бўлиниб ўтказган учрашувларида иштирок этдилар. Таниқли футболчи Биродар Абдураимов бошчилик қилган динамочиларнинг биринчи лигага йўлланма олишлари учун бир баҳя қолди. Динамочиларнинг «Трактор» командаси билан сафарда ўтказган сўнгги ҳал қилувчи учрашувда имкониятни бой беришлари мухлисларни ранжитиб қўйди. Биз динамочиларнинг йўл қўйган камчиликлари ва қўлга киритган ютуқларини сарҳисоб қилган ҳолда, хайрли режаларни тадбиркорлик билан тузадилар деган умиддамиз. Чунки ўтган йили еттинчи ўринни эгаллаган динамочиларнинг зона ғолиби бўлиши коллектив имкониятлари ва истиқболидан дарак бериб турибди.

Хўш, республикамизнинг бош футбол командаси — «Пахтакор» хусусида нималар дейиш мумкин. Команда бу йил ҳам қийин ва масъулиятли даврларни бошдан кечирди. Пахтакорчилар устози Сергей Мосягин бошчилигида команданинг доимий составини таркиб топтириш борасида иш олиб борилди. «Пахтакор» бу йилги мавсумни пойтахт динамочиларн билан бошлаб, охирги учрашувни ҳам Москвада шу коллектив билан ўтказди. Мавсум бошида мухлислар пахтакорчилар составида Яновский, Денисов, Энис, Никифоренко, Нечаев, Соловьев, Нортожиев, Файзиев, Шоймардонов, Кухлевский, Церетели, Амриев ва Новиковларни майдонда кўришган эди. Чемпионат охиригача команданинг асосий составида қарийб 30 нафар футболчи синаб кўрилди. Булар орасида турли командалардан таклиф қилинган ўйинчилар, Узбекистон командаларининг вакиллари бор эди. Кадейкин, Постнов, Нурмўҳамедов, Антонов, Ичевский, Пак, Иванов, Турчиненко, Якубик, Мачаидзе, Кабаев, Поваляев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Команда тренери баъзи ўйинчиларни икки-уч учрашувда, айримларини учрашувнинг ярмида майдонга тушириб, лаёқатларини кўздан кечирди. Мақсад—команданинг мудофаа ва ҳужум чизиқларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Команда составини мустаҳкамлаш учун олиб борилган изланишлар, назаримизда, мавсум бошида бир мунча самаралар берди. Команда дастлабки давранинг ўрталарида 9 очко билан олтинчи ўринга кўтарилди. Ораликдаги маррага эса 13 очко билан келиб, 15-ўрин эгалланди. Қизиғи шундаки, команда ҳал қилувчи даврада ҳам шунча очко тўплаб, мавқеи деярли ўзгармади. «Пахтакор» ҳисобида ҳозир тўққиз ғалаба, 17 мағлубият ва саккиз дуранг ҳисобидаги ўйин бор. «Локомотив», «Арарат» ва «Қайрат» майдонларида ҳамда Тошкентда «Арарат», ЦСКА, «Қайрат», «Карпат», «Зенит», «Динамо» (Мн) коллективлари билан учрашувларда ғалаба нашидаси суриди.

Ўйинчиларимиз ўтган йили 11 ютуқ, 9 дуранг ва 14 мағлубият билан тўққизинчи бўлган эдилар. Шунинг ўзи ҳам командага берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини кўрсатади. Вахоленки, пахтакорчилар устози чемпионат бошланиши арафасида команданинг доимий составини таркиб топтириб, мавқеи мустаҳкамлаймиз деган фикрни билдирган эди. Тўғри, команда мавсум охирида умидбахш ўйинлар кўрсатиб, мухлисларни ҳушнуд этди. Аммо тўпларни умидли ёшлар қўлиб, «улғайиб» қолган А. Якубик, М. Мачаидзе сингари ўйинчилар дарвозага йўллашаётганини маъқуллаб бўлармиканмиз? Уз шижоати билан мухлисларни ром этган Нортожиев негадир дарвозага яқин йўламай қўйди.

«Менимча, мавсум масъулиятини ўйинчилар қатори тренер доим ҳис этиб тургани маъқул. Команда истиқболини ўйлаган устоз ўз шогирдларига маҳоратдан сабоқ бериш билан бирга, уларда совет спортчисига хос фазилатларнинг камол топишига имкон яратиши лозим. Шунда бир неча тўплар киритиб олқиш олган футболчи ютуқлардан эсанкирамай, вазмин ва камтарликни касб этади».

Машҳур дарвозабон, Мельбурн Олимпиадасининг чемпиони Лев Яшиннинг бу фикрлари «Пахтакор» учун ҳам мезон бўлишини истардик. Умуман, пахтакорчилар устози зиммасидаги фахрли, айни замонда масъулиятли вазифани ижодий ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. У ҳар бир учрашувда пахтакорчиларга қарши ўйновчи коллективнинг характерини одиндан билган ҳолда шогирдларини майдонга туширишга ўринди. Якунловчи учрашувда ҳам фақат ёшларнинг ўйинга қўйилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Зотан, ҳали амалга ошириладиган ишлар беҳисоб. Команда учун берилган имтиёздан яна бир йил фойдаланиш мумкин. Янги мавсум «Пахтакор» составини таркиб топтиришда узил-кесил ҳал қилувчи фурсат бўлиб қолмоғи даркор. Иккинчи лига коллективлари иштирокида «Пахтакор» хотираси учун ўтказилган турнир командага саралланган янги кучларни таклиф қилиш йўлидаги муҳим уринишлардан бири деб биламиз. Командада ўзаро муносабатлар қадрланадиган, инок, дўстона ва ошкоралик муҳитини юзага келтириш муҳимдир. Бундай коллектив эса астойдил тўп суриб, марди майдон пахтакорлар номини улуғлайверади.

... Ҳар қалай пахтакорчилар командага берилган имтиёз туфайли эмас, балки сўнгги икки ўринни эгаллаган коллективларга дахлсиз, ўз кучи билан тўплар нисбатига кўра мавқеини сақлашди.

Ўйинлар якуни жадвали:

	Ю	Д	М	Т	О
Динамо К	**21**	**9**	**4**	**63-23**	**51**
Спартак	**18**	**9**	**7**	**49-26**	**45**
Зенит	**16**	**10**	**8**	**51-42**	**42**
Динамо Тб	16	7	11	51-32	39
ЦСКА	13	12	9	36-32	36
Шахтёр	13	9	12	45-40	35
Черноморец	13	9	12	37-37	35
Арарат	11	11	12	39-43	32
СКА	11	10	13	41-47	32
Динамо Мн	11	12	11	41-42	32
Торпедо	10	11	13	28-32	30
Қайрат	10	11	13	33-44	30
Нефтчи	10	9	15	29-41	29
Динамо М	9	14	11	32-33	28
Кубань	9	10	15	32-43	28
Пахтакор	9	8	17	26-43	26
Карпат	**9**	**8**	**17**	**23-46**	**26**
Локомотив	**8**	**9**	**17**	**34-44**	**25**

Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Торпедо» — «Нефтчи» —1:0, «Динамо» (М) — «Пахтакор» — 4:1, ЦСКА — «Динамо» (К) — 2:2, «Зенит» — «Қайрат» — 1:0, СКА — «Карпат» — 2:0, «Кубань» — «Арарат» — 3:2, «Спартак» — «Черноморец»— 2:4, «Локомотив» — «Шахтёр» —1:1, «Динамо» (Мн) — «Динамо» (Тб) — 2:1.

Ҳ. НОСИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» спорт шарҳловчиси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СУВНИ РАДИОТЎЛҚИНЛАР ИЗЛАЙДИ

Сизот сув юзасини аниқлаш учун қудуқ қазиш шарт эмас. Рига граждан авиацияси инженерлари институтининг олимлари яратган ихчам радиолокатор унинг ўрнини босишга қодир. Вездеход ёки енгил автомобилга ўрнатилган прибор узлуксиз равишда радиотўлқин импульсларини чиқариб туради ва ер остидаги сигналларни қайд этиб боради. Шу маълумотлар асосида тузилган графиклар 20 метр чуқурликда йиғилиб қолган сув миқдори тўғрисида тасаввур ҳосил қилдиради. Информация кассетали магнитофон ёрдами билан ҳам ёзиб борилади ки, уни лаборатория шароитларида ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу янгиликдан сувли горизонтларни излашда, мелиорацияда, гидротехник иншоотлар қурилишида фойдаланиш мумкин. Рига олий мактабининг олимлари геологлар билан ҳамкорликда торф конларини разведка қилишда ҳам шу аппаратни ишлатиб кўрдилар. Шунда радиолокатор торфли қатламлар чуқурлиги ва қалинлигини аниқлашдан ташқари, уларнинг структурасини ҳам белгилаб бера олиши маълум бўлди. Қимматли табиий ҳом ашё запасларини табақалаб ҳисобга олишда бунинг аҳамияти катта. (ТАСС).

Санжар ТИЛЛА

Таниқли журналист ва ёзувчи Санжар Тилла (Санжар Тиллаев) узоқ давом этган касалликдан сўнг 1980 йил 23 ноябрь куни вафот этди.

Санжар Тилла 1912 йилда Наманган шаҳрида туғилди. 13 ёшлик чоғидан бошлаб ўзбек комсомол матбуотида фаол ёш мухбир бўлиб таниқли, 1934 йилдан эътиборан эса, бевосита республика газета редакцияларида ишлаб келди. 1940 йилда КПСС сафига кирди.

Улуғ Ватан уруши йилларида у Совет Армияси сафида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан бўшагач, яна матбуот органларида ишлашга қайтди. «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати» ва «Ёш ленинчи» газеталарида ишлади, «Наманган ҳақиқати»нинг редактори, узоқ вақт давомида эса, «Ўзбекистон маданияти» газетаси бош редакторининг ўринбосари бўлиб ишлаб келди. У умрининг сўнгги йилларида «Совет Шарқи мусулмонлари» журналига бошчилик қилди.

Санжар Тилла 1925 йилда «Янги Фарғона» газетасида биринчи хабари босилиб чиқанидан буён то ҳозиргача журналистиканинг олдинги маррасида бўлди ва ҳақли равишда Ўзбек совет матбуотининг истеъдодли намояндаларидан бири ҳисобланиб келди.

Санжар Тилла ўзининг журналистлик ижодини адабий фаолият билан бирга қўшиб олиб борди. Унинг «Етукликка имтиҳон», «Поллик Мамажон», «Биринчилар қаторида», «Гуллар мамлакати» очерклар китоблари ўқувчиларга яхши маълум. Л. Леоновнинг «Ҳужум» пьесаси, А. Гайдарнинг «Мактаб» ва «Ҳарбий сир», А. Чаковскийнинг «Олис йолдуз шуъласи» ва бошқа кўпгина асарлар таржималари унинг қаламига мансубдир.

Унинг оригинал бадиий асарлари, таржималари, республика газеталари ва журналларида кўплаб босилиб чиққан мақолалари китобхонларни Ватанга, коммунизмнинг порлоқ идеалларига чексиз садоқат руҳида тарбиялаб келди.

Улуғ Ватан урушида қатнашганлиги, улкан адабий ва жамоатчилик фаолияти учун Санжар Тилла икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, жанговар медаллар билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган эди.

Ажойиб қалб эгаси, юксак гражданлик бурчига садоқатли инсон, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Санжар Тилланинг ёрқин хотираси дўстлари ва китобхонлар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи,
Ўзбекистон Журналистлар союзи,
«Ўзбекистон маданияти» газетаси редакцияси.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 27 ноябрда чиқади).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Фильм-спектакль. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Звёздочка. 17.10 — Телестадион. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Халқ ижодиёти. 18.45 — Врач суҳбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30— Фан оламида. 20.10 — Монголия Халқ Республикаси эълон қилинган кунига. 21.30 — Время. 22.15 — Ҳужжатли экран. 23.15 —Дунё воқеалари. 23.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ
I.

18.20— Болалар учун фильм. 18.25 — Концерт. 18.35 —Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ноз-неъмат бунёдкори. 19.30 — Ахборот. 19.45— Ёзувчи ва замон. 20.30 —Ахборот. 20.50 — СССР халқларининг куйлари. 21.30 — Время. 22.15 — Ҳимоя учун сўз. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Болалар учун фильм. 20.55 — Реклама. 21.15 — Назарий механика. 22.15 — Тонгни қаршилаб. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — О. Отажонов ва Ғ. Еқубов ижро этади. 9.35 — Эстрада концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Паррандачилик — саноат негизида. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Чолғу куйлари. 21.00 — Бунёдкорлик йиллари. 21.10 — Ўзбек совет адабиёти радиоантологияси. 21.30 — Механизаторлар учун концерт.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи-контролер-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди: БОҚҚОЛЛИК, КОНДИТЕРЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, ГУШТ-БАЛИҚ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ БУЙИЧА, ШУНИНГДЕК, ПОЯФЗАЛ, ТРИКОТАЖ, АТТОРЛИК, ПАРФЮМЕРИЯ, МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ ВА СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Машғулотлар 20 декабрда бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига Ўзбекистон ССР шаҳарларида яшайдиган 15—20 ёшли (ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 23 ёшгача), 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган квалификация белгиланади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 32 сўм стипендия тўланади.

Етим қолган болаларга, ота-она қаровисиз қолган болаларга ва Улуғ Ватан урушининг I ва II группа инвалидларининг болаларига 41 сўмдан стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ меҳнат стажига киради.

Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илғор магазинларда: ГУМ, «ГАСТРОНОМ» республика конторасига қарашли йирик магазинларда ва «УНИВЕРСАМ»ларда ўтказилади.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳочларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар, педагогик советнинг қарорига мувофиқ, билим юртини битириб, бир йўла олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эгадирлар (битирувчиларнинг 10 проценти).

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юрти адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, А. Икромов ўйи, Бобир кўчаси, 3-уй. (4, 9, 19-трамвайларнинг «Тўпхона», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ

Футеровкачи-кислотаупорчилар ва термоизоляция ишларининг изолировкачиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Камида 18 ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли эркаклар ва аёллар, шунингдек, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар ишлаб чиқаришга 12-разрядли ишчи сифатида юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Ўқишни тугатганларга танланган ихтисос бўйича III-разряд малакаси берилади ва улар Тошкент «Монтажхимзашита» бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 25-трамвайлар; 3, 9, 11-троллейбусларнинг «Марказий бозор бекати). Телефонлар: 56-45-46, 56-40-43.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
29 ва 30 ноябрь
соат 19.30 да

«ҚУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, СССР давлат мукофоти ва Ҳамза номли Ўзбекистон давлат мукофотининг лауреати Раззоқ ҲАМРОЕВ

Ўзбекистон халқ артистлари: Оминахон ФАЕЗОВА, Турсунхон ЖАЪФАРОВА, Фароғат РАҲМАТОВА.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Наима ПУЛАТОВА, Суръат ПУЛАТОВ.

Солистлар: Ҳусан ШАРИПОВ, Шуҳрат РАСУЛОВ, Файзулло АҲМЕДОВ, Ҳаким НОСИРОВ, Марям ИХТИЕРОВА, Райҳон ТУРАЕВА, Равшан СОЛИҲОВ, Турсунбой ПИРЖОНОВ ва бошқалар.

ПРОГРАММАДА: музикали комедиялардан саҳналар, монологлар, қўшиқ, лапарлар, рақс ва яллалар, интермедиялар.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси кекса журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси

Санжар ТИЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими Н. Тиллаевага отаси

Санжар ТИЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, 1924 йилдан буён КПСС аъзоси

Саидазим ИСЛОМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билд